Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2016-YIL 28-YANVAR, PAYSHANBA, **4 (636)-SON**

e-mail: **xxi_asr@umail.uz**, web sayt: **www.21asr.uz**

## ЭЪТИРОФ

**ЖАҲОН БАНКИНИНГ МАЪРУЗАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ СОҲАСИДА ЭНГ ЯХШИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН ДУНЁДАГИ ЎНТА ДАВЛАТ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛГАНИ ҚАЙД ЭТИЛГАН. АНА ШУ ЙЎНАЛИШДАГИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ УЛУШИ 2000 ЙИЛДАГИ 31 ФОИЗДАН БУГУНГИ КУНДА 56,7 ФОИЗГА ЕТГАНИ ЁКИ 1,8 БАРОБАР ОШГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШНИ ИСТАРДИМ. ҲОЗИРГИ ПАЙТДА УШБУ СОҲАДА ЖАМИ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ УЧДАН БИР ҚИСМИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ 98 ФОИЗИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА. ИШ БИЛАН БАНД ЖАМИ АҲОЛИМИЗНИНГ 77 ФОИЗДАН ОРТИҒИ — ШУНГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ — МАЗКУР ТАРМОҚДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАНИ, ЎЗ ПЕШОНА ТЕРИ БИЛАН НАФАҚАТ ЎЗ ОИЛАСИНИ БОҚАЁТГАНИ, БАЛКИ МАМЛАКАТИМИЗ БОЙЛИГИГА БОЙЛИК ҚЎШАЁТГАНИ, АВВАЛО, МУСТАҚИЛЛИК БИЗГА ОЧИБ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАРНИНГ ЯҚҚОЛ ИСБОТИ, ДЕСАМ, АЙНИ ҲАҚИҚАТНИ АЙТГАН БЎЛАМАН.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан.*

МУНОСАБАТ

**Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланаман, шу соҳа вакили сифатида юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига ўз ҳиссамни қўшаман, деган ҳар бир инсон учун барча қонуний кафолатлар, қулай ҳуқуқий асослар, имтиёз ва енгилликлар яратилган. Бошқача айтганда, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатини фаол қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши, стратегик мақсадига айланган.**

# Юксак тараққиёт ва фаровонлик кафолати

Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида хусусий мулкчиликни шакллантириш, кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани туфайли тадбиркорлик ҳаракати юртимизда кенг қанот ёзди. Кейинги пайтда ушбу соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор қонунлар, фармон ва қарорлар Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги, айни пайтда аҳоли бандлиги масаласини ҳал этишдаги ҳиссасини оширишга хизмат қилмоқда.

Хусусан, тадбиркорлик ҳаракатини янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, кичик бизнес субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувлар, солиқ юки, турли хилдаги рухсатнома ва ҳисобот турларини камайтириш, текширишлар сонини қисқартиришга қаратилган бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бу борада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш учун кенг йўл очиб берди.

Шу ўринда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келтирилган қуйидаги фикрга алоҳида эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ўйлайман: «...Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча жиҳатларига тааллуқли 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин — хусусий мулк, кичик бизнес эгалари, тадбиркорларимизнинг йўлини янада кенгайтириб берадиган бундай қарор ва тадбирларимизни кўпайтиришимиз ва самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб вазифамизга киради».

Бугун бир ҳақиқат аёнки, айнан хусусий мулк инсонда изланиш, интилиш ва ташаббус уйғотиши, эркин ва бадавлат яшаш, шу тариқа мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшиш учун замин туғдиришини даврнинг ўзи барчамизга исботлаб бермоқда.

3→



Суратларни Солиҳ ЗОИР олган.

**ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ВА ПАРЛАМЕНТДАГИ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗНИ 2015 ЙИЛДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2016 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МУҲИМ ПАРТИЯВИЙ ВАЗИФАЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ. ШУ БИЛАН БИРГА ТАДБИРДА O`zLiDeP ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР ҲАМ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.**

# БУТУН КУЧ ВА САЛОҲИЯТ САФАРБАР ЭТИЛАДИ

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг нутқида белгилаб берилган долзарб вазифалар ҳамда устувор йўналишлар партия фаолияти учун асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқелик сифатида баҳоланаётган ушбу маъруза теран маъно-мазмунга эга. Баён этилган мазкур вазифаларнинг ҳар бир бандида партиямиз Дастури ва Сайловолди платформасида акс этган барча асосий йўналишларнинг мағзи, асос-негизи мужассамлашган. Бинобарин, Юртбошимиз маърузасида баён қилинган устувор йўналишлар аҳамиятини ҳар томонлама тарғиб қилиш, уларнинг моҳиятини, энг аввало, электорат вакилларига етказиш сафдошларимиз зиммасига катта масъулият юклайди.

Эътироф этиш керакки, тадбир мобайнида иштирокчиларнинг чиқишларини ягона мақсад — баъзи қийинчиликларга қарамай, олиб борилаётган ислоҳотларни, жумладан, иқтисодиётдаги таркибий янгиланишларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олға томон дадил одимлаш мақсади бирлаштириб турди.

Сўзга чиққанлар тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги, кейинги йилларда бу сектор жадал суръатлар билан равнақ топиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланганига урғу бердилар. Чунончи, амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар туфайли ялпи ички маҳсулот ҳажмида хусусий секторнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етди, бошқача айтганда, 1,8 баробар ошди.

2→



# Шижоатли ёшлар — келажак таянчи

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИ ҲАМКОРЛИГИДА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МУЛОҚОТ «МАМЛАКАТИМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ МУТАХАССИС КАДРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНДИ**




ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА

5 Чемпионлар онаси — БПТ етакчиси



ИҚТИСОДИЁТ

7 Агробанк кредитлари: Мижозлар ишончи оқланяпти



ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР...

8 Осмон илмин илк қалъаси


**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 27 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1986,57 | 1 АҚШ доллари | 2831,49 | 1 Хитой юани | 430,44 | 1 Польша злотийси | 687,17 | 1 ЕВРО | 3090,80 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4049,60 | 1 Миср фунти | 361,62 | 1 Россия рубли | 35,14 | 1 СДР | 3905,19 | 10 Жанубий Корея вони | 23,75 |
| 1 Дания кронаси | 410,33 | 1 Исландия кронаси | 21,66 | 1 Украина гривнаси | 114,21 | 1 Туркия лираси | 943,89 | 10 Япония иенаси | 238,60 |
| 1 БАА дирҳами | 770,89 | 1 Канада доллари | 2003,18 | 1 Малайзия ринггити | 659,41 | 1 Швейцария франки | 2792,40 | | |

# БУТУН КУЧ ВА САЛОҲИЯТ САФАРБАР ЭТИЛАДИ

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

**Беҳзод ИСРОИЛОВ, Акбар МУЗАФФАРОВ,** «XXI asr»

Мазкур жабҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли ҳаммаси ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилаётгани ҳам алоҳида диққатга сазовор.

Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг юксак самаралар бераётганидан далолатдир.

Мажлисда қайд қилинганидек, давлатимиз раҳбари маърузасида жорий йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 8,2 фоиз, қишлоқ хўжалигида эса бу кўрсаткични 6,1 фоизга ошириш, чакана савдо айланмасини 14 фоиз, хизматлар кўрсатиш ҳажмини эса 17,4 фоизга кўпайтириш вазифаси қўйилди. Иқтисодиётимизни ривожлантириш, модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришлар учун 17 миллиард 300 миллион доллар қийматидаги инвестицияларни йўналтириш, уларнинг ўсиш суръатини 109,3 фоизга етказиш белгиланди. Эътиборлиси, ана шу маблағларнинг 4 миллиард доллардан ортиғини хорижий маблағлар ташкил қилади, бу эса 2015 йилга нисбатан 20,8 фоиз кўп.

Бинобарин, тадбир иштирокчилари мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, иқтисодиёт, энг аввало, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги таркибий ўзгартиришларни давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва ўрта қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш масалалари партиямиз диққат марказида бўлиши лозимлиги хусусида атрофлича фикр юритдилар.

Хусусан, O`zLiDeP 2016 йилга мўлжалланган, умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга имкон берадиган дастурнинг ижросига саноат, умуман, иқтисодиётни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси сифатида қарамоқда. Шунингдек, партия мансабдор шахсларнинг, улар қайси идора вакили бўлмасин, ҳозирги замон талабига жавоб берадиган техника ва технологияларни олиб келиш ҳамда ўрнатиш учун масъулиятини ошириш тарафдоридир.

Қатнашчиларнинг фикрига кўра, 2016 йилдаги энг муҳим вазифалардан бири — мулкдорлар қатламини ҳар томонлама ва изчил қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида партия Дастури ва Сайловолди платформасида кўзда тутилган ишларни собитқадамлик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Бунда ўрта синф вакиллари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайдиган қонуний базани янада такомиллаштириш учун партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва жойлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш катта аҳамият касб этади.

— 2016 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари борасида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни муфассал ўрганиб, уларнинг бутун халқимиз, хусусан, O`zLiDeP электорати учун стратегик аҳамиятга эга эканига қатъий ишонч ҳосил қилдик, **— деди ўз сўзида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзоси Тўлқин Эшназаров**. — Партия Сайловолди дастурида қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда бу соҳадаги бошқа муҳим масалаларга оид қонунларнинг ижроси устидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш белгиланган. Бинобарин, партия ва депутатлик корпуси ана шу ишларни рўёбга чиқариш, жумладан, давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойилининг рўёбга чиқарилиши устидан парламент назоратини амалга оширишга кўпроқ эътибор қаратади. Таъкидлаш керакки, парламент назорати жараёни хўжалик субъектлари фаолиятини ва уларнинг банклардаги ҳисоб рақамларига тегишли операцияларни ноқонуний тўхтатиш, ҳисоб рақамларидаги маблағларга оид маълумотни асоссиз талаб қилиш, тадбиркорларни маблағ ажратиш билан боғлиқ хайрия ишлари ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб қилиш каби ҳолатлар учун ҳам тааллуқлидир. Бу эса O`zLiDeP электорати манфаатларига тўла ҳамоҳанг.

Йиғилишда иштирокчиларга партиямизнинг 2016 ҳамда кейинги йилларга мўлжалланган 5 та йўналиш, 70 банддан иборат комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида ҳам батафсил ахборот берилиб, унда баён этилган вазифаларни ўз вақтида, бекаму кўст рўёбга чиқариш учун маслакдошларимизнинг бир ёқадан бош чиқариб, янада баҳамжиҳат бўлиб фаолият юритишлари мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Мажлис якунида мамлакатимиз Истиқлолнинг қутлуғ 25 йиллиги кенг нишонланадиган 2016 йилга улкан мақсад ва режалар билан қадам қўйганлиги таъкидланди. Бинобарин, ушбу муборак санани муносиб ютуқлар билан кутиб олиш барча маслакдошларимиз, электоратимиз вакиллари, умуман, жамики юртдошларимиз учун катта шараф экани қайд этилди. Президентимиз маърузасида илгари сурилган вазифаларни амалга ошириш учун партия бутун салоҳияти, куч ва имкониятларини сафарбар қилиши таъкидланди.

Қўшма мажлисда партия фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШИМИЗ КЕРАК



Шуҳрат ШАРАФУТДИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

**— Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида қабул қилинган қатор қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқ, назорат органлари ва маъмурий тузилмаларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш, соҳада қатъий тартиб ўрнатиш ва ана шу идораларнинг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш бўйича катта аҳамиятга эга бўлганини қайд этди. Мазкур фикр депутатлар зиммасига ҳам муайян масъулият юклаб, янада фаолроқ ишлашга даъват этмоқда.**

**Биз соҳага тааллуқли меъёрий ҳужжатларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали парламент ва жамоатчилик назоратини янада кучайтиришимиз лозим. Хусусан, бир-бири билан узвий боғлиқ, мамлакатимиз инфратузилмасини янада ривожлантиришга оид давлат дастурларининг ижроси устидан депутатлик назоратини янада кучайтиришимиз мақсадга мувофиқдир. Зеро, ушбу дастурларнинг амалга оширилиши нафақат иқтисодиётимизни ривожлантириш, балки шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли ҳаёт тарзини янги сифат даражасига олиб чиқишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам дастурларни амалга ошириш фақат ижро ҳокимиятининг вазифаси, деган қараш мутлақо нотўғри. Умуман, давлатимиз раҳбарининг маърузасидан келиб чиқувчи устувор вазифаларни бажаришга киришар эканмиз, «бу партия Ижроия қўмитасига тегишли», ё бўлмаса, «бу — БПТларга оид вазифа», «янги лойиҳани партиянинг «Ёшлар» ёки «Аёллар қаноти» амалга ошириши керак» қабилида муносабатда бўлсак, катта хатога йўл қўямиз. Зеро, Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ қилишга барчамиз бирдек масъулмиз.**

## ТЕГИШЛИ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРДИК



Сайёра ҲОЖИЕВА, «Ҳожиев Довудбек» фермер хўжалиги бошлиғи:

**— Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда Президентимиз томонидан мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан қишлоқ мулкдорлари мўл ҳосил етиштирганликлари алоҳида эътироф этилиб, юксак минбардан фермерлар, деҳқонлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари шаънига самимий миннатдорлик сўзлари билдирилди. Ана шу ютуқларда хўжалигимизнинг ҳам камтарона ҳиссаси борлигидан ниҳоятда фахрландим. Таъкидлашни истардимки, эришилаётган муваффақиятлар Юртбошимиз раҳнамолигида фермерлик ҳаракатини қишлоқда етакчи кучга айлантириш борасида узоқни кўзлаб амалга оширилган ишлар самарасидир. Мисол учун, ўтган йиллар давомида ҳамкасбларимнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эгалик туйғуси мустаҳкамланиб, уларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги ошди. Фермер хўжаликлари қишлоқда ишлаб чиқаришнинг асосий бўғинига айланди. Ўзимиздан қиёс: 10 йилдан бери пахта ва ғалла етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини ортиғи билан бажаряпмиз. Техника ва транспорт воситаларимизга кўпчилик ҳавас билан қарайди. Барча замонавий талабларга жавоб берадиган дала шийпонимиз бор. Талай масалаларда эл-юртга нафимиз тегяпти. Хуллас, ҳамма ишларимиз жойида. Лекин бу хотиржамликка берилиш учун асос бўлолмайди. Чунки давлатимиз раҳбари замонавий технологиялар асосида пахта толаси ва мева-сабзавотларни қайта ишлашни янада кенгайтириш масаласини ҳам кун тартибига қўйдилар. Зеро, ҳозирги давр шуни талаб қилмоқда. Қўшма мажлисда билдирилган фикрлардан ўзимиз учун тегишли хулосалар чиқардик. Айни кунда мева-сабзавот етиштиришни йўлга қўйиш бўйича ишларни бошлаб юбордик. Режаларимиздан балиқчилик ва асаларичиликни ташкил қилиш, маҳсулотни қайта ишлашга ихтисослашган мини-корхоналар барпо этиш ҳам ўрин олган.**

**Шуни ҳам катта мамнуният билан қайд этишим керакки, вақт ўтгани сайин биз — ер эгаларига ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий жиҳатдан янада қулай шарт-шароит яратилаяпти. Бу эса бизни янада самаралироқ ишлаш, янги-янги ташаббусларга чорлаяпти.**

## ЯНАДА ФАОЛ ИШЛАШИМИЗ ЛОЗИМ



Абдунаби МУХРИМОВ, O`zLiDeP Чилонзор туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:

**— Фикримча, айни пайтда шуни эътиборга олиш керакки, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи юксак вазифалар ижросини нафақат партия фаоллари, балки кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Шу нуқтаи назардан қаралганда, энг самарали йўл — омма орасига янада фаолроқ кириб бориш, одамлар билан юзма-юз бўлиб, олдимизда турган мақсадлар ва уларни амалга ошириш йўллари, кутилаётган пировард натижаларни муфассал тушунтиришдир. Бу жараёнда, ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб, янги ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишимиз, давлат ва нодавлат тузилмалари билан ҳамкорликни кучайтиришимиз лозим. Бу борада дастлабки қадамларни ташладик. Масалан, яқинда «Business hub» лойиҳасида янги БПТ ташкил қилдик. Бу эса лойиҳа доирасида ўтказилаётган тадбирларда қатнашаётган юзлаб тадбиркорлар, ёшларнинг партиямиз дастурий ғоялари, сиёсий куч томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги тасаввури бойишига хизмат қилади. Қисқаси, биз бор имкониятларимизни ишга солиб, партиямиз сафига истеъдодли, серғайрат, янгиликка интилувчан ва ташаббускор йигит-қизларни кўпроқ жалб қилишимиз зарур. Ана шундагина зиммамиздаги вазифаларни тўла уддалашга муваффақ бўламиз.**

## ОРЗУЛАРИМ УШАЛМОҚДА



Малика АҲМЕДОВА, якка тартибдаги тадбиркор:

**— Коллежни тамомлаганимга кўп бўлгани йўқ. Бизнесимни бошламоқчи бўлганимда, баъзилар ишимнинг юришиб кетишига шубҳа билан қарашди, ҳатто қандайдир важлар келтириб, ниятимдан қайтармоқчи бўлишди. Уларнинг гаплари асоссиз эканига ишонч ҳосил қилдим. Мавжуд имкониятлар, қулай шарт-шароитдан унумли фойдаланиб, шунингдек, O`zLiDeP кўмаги билан транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйдим. Кўпчиликнинг наздида бу — эркакларнинг иши. Лекин шу соҳага жуда қизиқаман. Орзу-интилишларим оз фурсатда рўёбга чиққанининг ўзиёқ мамлакатимизда ёшларга, тадбиркорликка нақадар катта эътибор берилаётганидан далолат.**

**Кичик корхонам ишчи-ходимларининг аксарияти касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлардан иборат. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаларида 2015 йилда коллежларнинг 480 мингдан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланганини қайд этдилар. Бу хайрли ишда, оз бўлса-да, ҳиссам борлигидан ғурурландим. Маълумки, яқинда хусусий сектор вакиллари учун яна бир имтиёз жорий қилинди. Яъни, якка тартибдаги тадбиркор бир неча коллеж битирувчисини иш билан таъминласа, унга солиқ бўйича муайян имтиёзлар берилади. Бундан руҳланган ҳолда фаолиятимизни кенгайтириш баробарида қўшимча иш ўринлари яратиш, хизмат турларини кўпайтиришга киришдик.**

# Юксалиш босқичлари

## O`ZLIDEP ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ ҲАР ДОИМГИДЕК ЖОНЛИ МУЛОҚОТ ВА САВОЛ-ЖАВОБЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

**Ўз мухбиримиз**

Тадбирда депутатлар «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ҳамда «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлар ижроси юзасидан мутасадди ташкилот раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаб, қатор масалаларга ойдинлик киритишди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқилиб, оилавий тадбиркорликнинг афзалликлари, оилавий корхона деб аталадиган хўжалик фаолиятининг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли жорий этилгани, қонунчиликда оилавий корхона иштирокчиларига аниқ таърифлар берилгани, уларга нисбатан бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби соддалаштирилгани хусусида атрофлича сўз юритилди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Тўрабек Назаровнинг таъкидлашича, яратилган имконият ва шароитлар туфайли бизнеснинг ушбу турига қизиқиш тобора кучаймоқда. Бу жойларда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари жараёнида ҳам яққол сезилаётир. Хусусан, ўтказилган тадбирлар давомида оилавий корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун уларга алоҳида жой ажратиш, кредит олишда енгиллик ва қулайлик яратиш, айниқса, гаров масаласини кўриб чиқиш, оилавий корхонага ер ажратиш билан боғлиқ кўплаб таклифлар билдирилди. Улар умумлаштирилиб, айни кунда таҳлилий нуқтаи назардан ўрганиляпти.

Кези келганда, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш O`zLiDePнинг дастурий мақсадларидан бири эканлигини таъкидлаш жоиз. Шу маънода олиб қаралганда, оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши уй бекаларига ўз касб-ҳунарлари орқали хонадон даромадига даромад қўшиш имконини бермоқда. Ўз ўрнида тадбиркорликнинг бозор талабларига тез мослашадиган ушбу тури маҳаллаларда, айниқса, чекка ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётир.

Сувсиз жойда дарахт кўкармаганидек, бу соҳанинг ривожини банк кредитларисиз тасаввур этиш қийин, албатта. Йиғилишда Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосарининг ҳисоботи тингланди. Нотиқнинг қайд этишича, ўтган йили оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 27 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредит ажратилган. Қолаверса, 2016 йилда ҳам бошқарма томонидан бу борада қатор мақсадли ишлар режалаштирилаётгани, оилавий тадбиркорлик соҳибларига тижорат банклари томонидан кенг имконият ва имтиёзлар яратилаётгани хусусида ахборот берилди.

Маълумки, фойдаланилмаётган ҳамда қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари, бўшаётган ер участкаларини замонавий, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга мослаштириш, шу орқали янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш ва уларга кенг имкониятлар яратиб бериш бугунги кундаги муҳим вазифалардан биридир. Бу борада Президентимизнинг «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, унинг жойлардаги ижроси изчиллик билан таъминланяпти. Шу жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига юборилган депутатлик сўрови натижаларига кўра пойтахтимиздаги 7 та бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат объекти кимошди савдолари орқали сотилиши белгиланган бўлиб, шундан ҳозиргача 3 та давлат объекти оммавий савдолар орқали сотилган. Яна 3 таси очиқ аукцион савдоларига чиқарилган, 1 та объект эса Президентимизнинг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан қайта савдоларга чиқарилиши белгиланган.

Мажлисда сўзга чиққанлар масаланинг шу ва бошқа жиҳатларига тўхталиб, бўш турган биноларни тадбиркорлик субъектларига «ноль» қийматда бериш орқали етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида иқтисодиётимизда ушбу секторнинг улуши тобора ортиб бораётганини таъкидлашди. Мазкур вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида фаолиятини тўхтатган ёки иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш орқали рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйиляпти. Бу эса партиянинг иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш соҳасидаги дастурий мақсад ва вазифаларига мос бўлиб, жойларда янги иш ўринлари вужудга келишига хизмат қилаётир.

Депутатлик гуруҳи аъзолари Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотларни кейинги йиғилишда атрофлича муҳокама қилишга келишиб олдилар.

Тадбир сўнгида кўриб чиқилган шу ва бошқа масалалар юзасидан O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши депутатлик гуруҳининг тегишли қарори қабул қилинди.

# Юксак тараққиёт ва фаровонлик кафолати

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Таъкидлаш жоиз, давлатимиз раҳбарининг «Маҳаллий нозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида солиқ ва божхона тўловлари бўйича қатор имтиёз ва преференциялар берилгани импорт ўрнини босадиган арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг турларини кўпайтириш, рақобатдошлигини ошириш, тайёр маҳсулотни чет элларга экспорт қилиш бўйича жуда кенг имконият яратди.

Жорий йилнинг 15 май куни Юртбошимиз томонидан «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Ушбу фармонда республикамиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бутунлай бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали улушини изчил ошириш асосий мақсад қилиб белгиланган. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат хусусий мулк ва кичик бизнесни ҳимоя қилиш кафолатини мустаҳкамлаб, барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш учун асос бўлди. Мазкур фармон ижросини амалда таъминлаш бўйича бугунги кунда соҳага мутасадди бўлган барча давлат идоралари фаол иш олиб бораётгани яхши самара бермоқда.

Ушбу фармонда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрида «2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» республика конференция-семинари бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ ва Божхона қўмиталари раислари ва масъул ходимлари билан тадбиркор, ишбилармонларнинг очиқ мулоқоти ташкил этилди. Ушбу конференцияда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган 300 нафардан ортиқ тадбиркор соҳага оид қонунчиликдаги энг сўнгги янгиликлардан ҳар томонлама хабардор бўлишди. Худди шу мавзудаги конференция-семинарлар вилоятларда ҳам ташкил этилиб, уларда давлат органлари билан бундай самарали ҳамкорлик, ўз ўрнида энг чекка қишлоқларда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашишларга чек қўйиш, қонунни бузган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриш ва шу орқали соҳа фаолиятини рағбатлантиришда жуда катта аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда давлат идораларининг масъул ва мутасадди шахслари билан тадбиркор ва ишбилармонлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганини шахсан мен ўз фаолиятимда кузатмоқдаман.

Сир эмас, авваллари тадбиркорлик билан шуғулланадиган юртдошларимиз давлат идоралари ва уларнинг ходимларидан узоқроқ ва четроқда юришга ҳаракат қилишар эди. Ҳозир эса уларнинг бир-бирига ишончи ортиб, ўзаро ҳамкорлиги яхши натижа бераётганини ҳар қадамда кўришимиз мумкин.

Барчамизга маълумки, она юртимиз азал-азалдан моҳир ҳунармандлар, қўли гул усталар, ишнинг кўзини билган тадбиркорлар диёри сифатида ном қозонган. Юртдошларимизнинг бу ноёб хислати фақат мустақиллик шарофати билан тўлиқ рўёбга чиқмоқда. Ҳозирда кексалик гаштини сураётган ёши улуғ инсонларимиз собиқ мустабид тузум даврида уйида бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқарган ёки ўзининг қўл меҳнати билан яратган буюмини бозорга олиб чиққан фуқаролар қаттиқ жазога тортилгани, бор мол-мулки мусодара қилиниб, ўзи узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилганини ҳали-ҳануз афсус-надоматлар билан эсга олиб, бугунги дориламон кунларнинг қадрига етишимиз кераклигини биз — ёшларга қайта-қайта уқтиришади.



Истиқлол йилларида эса аҳвол бутунлай ўзгариб, эндиликда тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашган мансабдор шахснинг ўзига нисбатан тегишли чора кўрилиши қонун йўли билан қатъий мустаҳкамлаб қўйилди. Қувонарлиси, муҳтарам Юртбошимиз томонидан яратиб берилган бундай кенг имкониятлардан минглаб тадбиркорлар унумли фойдаланиб, Ватанимиз бойлигига бойлик, кучига куч қўшиш ҳамда иқтисодиётимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида таъкидлаганидек, бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи шу соҳага тўғри келаётгани ва иш билан банд аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда хизмат қилаётгани, Наманганда эса ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 80 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ишлаб чиқарилаётгани, ишга яроқли бўлган аҳолининг 82 фоизи мазкур тармоқда банд экани бу соҳанинг юртимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини яққол тасдиқлаб беради, деб ўйлайман.

Биз ҳам шу йўлда эзгу ниятлар билан 2006 йилда «Istiqlol tekstil dizayn» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этган ва дастлаб 15 нафар ишчи-ходим билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаган эдик. Аҳолининг сифатли кийим-кечакка бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш, истеъмолчилар эътирофини қозонишни кўзлаб бошлаган ишимиз айни пайтда яхши самара бермоқда. Ҳозирги кунда корхонамиздаги 125 нафар ишчи-ходимнинг 30 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бўлган ёш йигит-қизлардир. Қувонарлиси, шу йилнинг ўзида 214 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотимизни чет давлатларга экспорт қилишга эришдик.

2011 йилда «Ташаббус» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича корхонамиз 1-ўринни эгаллаб, Президентимизнинг махсус совғаси — «Spark» автомобили билан тақдирлангани бизни янги марралар сари руҳлантирди.

2011 йилда давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи чоғида корхонамизга ҳам келгани биз учун тарихий воқеа бўлди. Бу қутлуғ қадам нафақат бизнинг, балки вилоятимиздаги барча тадбиркорларнинг эртанги кунга бўлган ишончи янада мустаҳкамланиши, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифати ортишига олиб келди. Ўшанда Юртбошимиз амалга ошираётган ишларимиз билан яқиндан танишиб, биз билан дилдан суҳбатлашган, қимматли маслаҳатларини берган эдилар. Жумладан, Наманган шаҳрида дизайн лабораторияси ва мода марказини ташкил этиш тўғрисида берган тавсияларига кўра, мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида «Istiqlol dizayn markazi» барпо этилди. Бунинг натижасида қўшимча равишда 110 та янги иш ўрни яратишга муваффақ бўлинди. Ҳозирда мазкур дизайн марказида ўзимиздан чиққан ёш дизайнер ва модельерлар янги модель ва бичимларни яратиш, жаҳон андозалари даражасида ҳар хил турдаги кийимларни тайёрлаш бўйича илмий-амалий изланишлар олиб бормоқдалар. Улар яратган дизайн асосида тайёрланган маҳсулотларимизга, энг аввало, хориждаги ҳамкорларимиз харидор бўлишмоқда.

Кўп миллатли аҳил жамоамиз қўлга киритаётган ютуқлар замирида, шубҳасиз, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, биз — тадбиркорларга яратиб берилган ҳар томонлама қулай имкониятлар мужассам, албатта. Энг муҳими, одамларимиз ўз ҳаётидан рози, эртанги кунга ишонч билан меҳнат қилишмоқда. Уларнинг дунёқараши, ҳаётга, ўз меҳнатининг натижаси, жаҳонда ва ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, бурч ва масъулияти, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайиб бормоқда.

Табиийки, биз фақат бугунги жорий вазифаларни бажариш билан кифояланмасдан, шу соҳада дунёнинг ривожланган мамлакатлари, биринчи навбатда, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, меҳнат самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириб боришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, юртимиз равнақи ва буюк келажагини таъминлаш йўлида бор куч-салоҳиятимиз, ғайрат-шижоатимизни сафарбар этиш — бизнинг озод ва обод Ватанимиз олдидаги юксак масъулият ва муқаддас бурчимиздир.

**Бахтиёр УМАРОВ,**
**Наманган туманидаги «Istiqlol tekstil dizayn» масъулияти чекланган жамияти бош директори.**

---

МУЛОҚОТ

# Шижоатли ёшлар — келажак таянчи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Жонли ва ишчанлик руҳида ўтган тадбир давомида талабалар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган катта авлод вакиллари билан учрашиб, ўз таклифларини ўртага ташладилар, шунингдек, турли масалалар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, банк ва солиқ тизими ходимлари ҳамда илғор фермерларнинг қимматли маслаҳатларини тингладилар.

Тадбир давомида муҳтарам Президентимиз ёшларга катта умид ва ишонч билан қараётган экан, бу юксак ишончни фидокорона меҳнат, азму шижоат ва ташаббускорлик билан оқлаш лозимлиги таъкидланди.

Маълумки, қишлоқ мулкдорларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, айниқса, ёш фермерларни ҳар томонлама рағбатлантириш O`zLiDeP диққат марказида турган муҳим масалалардан биридир. Бу борада, шубҳасиз, партиянинг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалга ошираётган кўпгина хайрли ишлари ўз самарасини бермоқда. Мисол учун, ўтган йили республикамиздаги қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган 156 та коллеж ҳамда олий ўқув юртида ўтказилган «Келажак фермери» танловида ғолибликка эришган кўплаб иқтидорли талабалар махсус стипендия соҳибига айланишди. Шунингдек, «Ёш фермер» танловининг республика босқичида юқори натижаларга эришган 39 нафар йигит-қиз муносиб тарзда рағбатлантирилди.

— Айни пайтда сув тошқини, қурғоқчилик билан боғлиқ муаммолар оқибатида дунёдаги айрим мамлакатларда мураккаб вазият юзага келмоқда, **— деди ўз сўзида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров.** — Шундан келиб чиққан ҳолда соҳа мутахассислари яқин йиллар ичида озиқ-овқат маҳсулотлари баҳоси 40-50 фоизга ошишини башорат қилмоқдалар. Демак, қишлоқ хўжалигига янги инновацияларни жалб қилиш, маҳсулотларни интенсив усулда етиштириш, ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологиялардан кенг фойдаланиш фаолиятимизнинг бош мезонига айланиши лозим. Бу борада биз асосан замонавий билимга эга бўлган иқтидорли ёшларга таянамиз. Зеро Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги фермер нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айни пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, селекционер, бизнесмен ҳам бўлиши даркор.

Тадбир сўнгида қишлоқ хўжалиги ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга оид илмий ишланмалари ва яратган инновацион лойиҳалари учун бир қатор талаба ёшлар Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Биз тадбир иштирокчиларидан баъзиларини ўзаро мулоқотга чорладик.

**Тешабой МИРЗАКАРИМОВ,**
**Ўртачирчиқ туманидаги «Мирзакарим Тешабой ота» фермер хўжалиги раҳбари:**

*— Баъзи одамлар фермер бўлсам бас, тезда бойиб кетаман, деб ўйлашади. Аслида бу хато фикр. Барча касбда бўлгани каби деҳқончиликнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Бир йили об-ҳаво яхши келиб, экинлардан юқори ҳосил олинса, иккинчи йили акси бўлиши мумкин. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Фермерлар кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбир давомида биз ўз тажрибаларимиз билан ўртоқлашдик, бўлажак мулкдорларга зарур маслаҳатларни бердик.*

*Ўйлайманки, бундай очиқ мулоқотларнинг ўтказиб турилиши мустақил ҳаёт остонасида турган ёшларнинг билим ва кўникмаларини янада бойитишга хизмат қилади.*

**Шаҳзод ҲАМДАМОВ, Тошкент давлат аграр университети талабаси:**

*— Мен университетнинг «Қишлоқ хўжалигида менежмент» факультетида таҳсил оламан. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги экинларига физик факторларнинг таъсири мавзуида илмий тадқиқот олиб бораяпман. Мақсадим, ультрабинафша, ультратовуш ва гамма нурларининг ўсимлик уруғларига таъсирини ўрганиш орқали уларнинг эртапишарлик ва ҳосилдорлик даражасини оширишдан иборатдир. Соҳа вакиллари яхши билишади: оддий уруғ беш кунда униб чиқади. Мен олиб бораётган илмий изланишлар натижасида мазкур муддат икки кунга қисқариши мумкин. Ҳозирганча помидор, бодринг, қовоқ, бақлажон каби сабзавот уруғларида ушбу тажриба ўзини тўла оқлади.*

*O`zLiDeP ва Фермерлар кенгаши ташаббуси билан ўқув даргоҳимизда ўтказилган очиқ мулоқот давомида тажрибали фермерлар биз, талабаларни ўз хўжаликларига амалиёт ўташ, ҳатто ишга таклиф этишдики, бундан беҳад хурсанд бўлдик. Ушбу имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак, албатта. Негаки, назарий билимни амалиёт билан боғлаб олиб бориш кутилган самараларни бериши тажрибадан яхши маълум.*

**Ўз мухбиримиз.**

---

ҲУДУДЛАРДАН хабарлар

## Давр билан ҳамқадам

**O`zLiDeP Нукус шаҳар кенгаши томонидан Нукус темир йўл ва транспорт касб-ҳунар коллежида давра суҳбати ташкил этилди.**

«Депутат ва ёшлар» дея номланган навбатдаги тадбирда депутатлар кейинги йилларда қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, аҳоли, айниқса, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик ва фермерликка жалб этиш, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш, аҳоли томонидан тушган мурожаатларни жойида ўрганиш, улар бўйича тегишли ташкилотларга депутатлик сўровномалари юбориш борасида қилинаётган ишларга тўхталиб ўтдилар.

— Бугунги ёшлар давр билан ҳамқадам яшашмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Ойжамол Юсупова. — Улар ҳар қандай соҳа — хоҳ у техника, хоҳ у иқтисод, хоҳ у тарих соҳаси бўлсин, бемалол музокарага киришадилар. Керак бўлса, бир нечта хорижий тилларда ҳам ўз фикрларини баён қила олишади. Тадбирда яна бир бор бунинг гувоҳи бўлдик.

Жонли мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида, шунингдек, қабул қилинган қатор қонунлар аҳамияти хусусида ҳам сўз юритилди.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга атрофлича жавоб олишди.

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот хизмати.**

## Жалақудуқда давра суҳбати

**Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Жалақудуқ туман кенгаши қошидаги бошланғич партия ташкилотида Соғлом она ва бола йили муносабати билан «O`zLiDePнинг устувор вазифалари ва унда бошланғич партия ташкилотларининг ўрни» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

Тадбирда сўз олган халқ депутатлари Жалақудуқ туман кенгаши депутати Давлатбек Мелиқулов, партия вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Азизбек Султонов ҳамда БПТ раиси Муқаддас Мадраҳимова партия Дастурида илгари сурилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, болаларда, айниқса, қизларда жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бугунги куннинг муҳим вазифаси эканлигини таъкидладилар.

Соғлом ва мустаҳкам оила — соғлом келажак пойдевори эканини назарда тутиб, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича масъулиятни кучайтириш, тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, уларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Давра суҳбатида бошланғич ташкилотлар фаолиятини бугунги кун талабларига мувофиқ самарали ташкил этиш, машғулотларни кўргазмали қуроллар ва сиёсий адабиётлар билан янада бойитиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

**Ўз мухбиримиз.** Андижон вилояти.

## Ғолиблар тақдирланди

**Навоийда «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Унда биринчи ўрин вилоят марказидаги «Меъмор» МФЙга хизмат кўрсатувчи милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, капитан Завқиддин Рамазоновга насиб этди.

Шунингдек, тадбирда «Баркамол авлод етакчиси», «Адолатли яраштириш комиссияси», «Маърифатпарвар маслаҳатчи», «Фидойи маҳалла посбони», «Энг обод ва осойишта маҳалла раиси» ҳамда «Ёш авлод ҳимоячиси» сингари қатор номинациялар бўйича ННТлар вакилларининг ишлари ҳам танлов комиссияси томонидан синчковлик билан ўрганилди. Ғолиблар аниқланиб, уларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Эътиборлиси, танловнинг «Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотининг ибратли раиси» номинациясида Навоий давлат кончилик институти хотин-қизлар қўмитаси бошланғич партия ташкилоти раиси, халқ депутатлари Кармана туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Саодат Бозорова ғолиб, деб топилди. Бу эса сафдошларимиз томонидан олиб борилаётган серқирра фаолиятга яна бир мисолдир.

**Ўз мухбиримиз.** Навоий вилояти.

## Ижтимоий шериклик асосида

**O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгашида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, навқирон авлодни ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатлар, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларидан асраш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.**

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган давлат гранти танловида ғолиб деб топилган «Сизнинг соғлигингиз» соғлом турмуш тарзи мактабини ташкил этиш» лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Грант лойиҳасининг мақсад ва вазифалари ҳақида сўз юритар экан, лойиҳа раҳбари Ленуре Адильшаева ёшлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш, ОИТС, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликнинг ёш авлод саломатлиги ва тарбиясига кўрсатадиган салбий таъсирини камайтириш масалаларига тўхталди. Тадбирда қатнашган бир қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари, мутахассислар ҳамда O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» фаоллари эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, ўсмирларнинг гигиена қоидаларига амал қилиши зарурати ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш билан боғлиқ муҳим вазифаларни муҳокама қилдилар.

Ўзаро мулоқот руҳида ўтган тадбир қизиқарли баҳс-мунозараларга бой бўлди.

**Ўз мухбиримиз.** Жиззах вилояти.

«XXI ASR» 2016-yil 28-yanvar, payshanba, 4 (636)-son, www.21asr.uz

**O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ТОМОНИДАН «ОНА ВА БОЛА СОҒЛОМ БЎЛСА, ОИЛА БАХТЛИ, ОИЛА БАХТЛИ БЎЛСА, ЖАМИЯТ МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ**



# «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»ДА ДАВРА СУҲБАТИ

■ **Дилноза НОМОЗОВА,** «XXI asr»

Тадбир давомида асосий эътибор Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда янги партиявий лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, маънавий етук, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, қолаверса, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болаларга ғамхўрликни кучайтириш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

Маълумки, Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори жойларда тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш, шунингдек, келажак учун ҳар томонлама етук, баркамол авлодни шакллантиришга қаратилганлиги билан жуда муҳимдир.

Ушбу тамойиллардан келиб чиқилиб, хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятдаги роли ва мавқеини кучайтириш борасида O`zLiDeP Дастурида ҳам устувор вазифалар белгиланган. Ўтган йили «Аёллар қаноти» ташаббуси билан жойларда 4000 га яқин партиявий тадбир ўтказилиб, иккита махсус лойиҳа амалга оширилди. 14500 га яқин бепул тиббий кўрик давомида хотин-қизлар ўртасида учрайдиган турли касалликларнинг олдини олиш юзасидан аниқ чоралар белгиланди.

— Бу йил олдимизга янада улканроқ мақсадларни қўйганмиз, — **дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова.** — Жумладан, касб-ҳунар коллежларини битирган қизларимизни иш билан таъминлаш, ўз бизнесини ташкил этишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар ажратилишида кўмаклашиш, уйда ўтирган аёлларни кичик бизнес фаолиятига жалб этиш билан боғлиқ эзгу мақсадлар ҳаракат дастуримиздан кенг ўрин олган. Қолаверса, жорий йилда бир қатор янги лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида тадбиркор ва фермер хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга янада кенгроқ жалб этиш, «Аёллар — инновацион ривожланиш тарафдори», «Ишбилармон аёл» лойиҳалари доирасида опа-сингилларимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, фарзанд тарбияси соҳасидаги масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ масалалар шулар жумласидандир.

Тадбир давомида оилаларда маънавий соғлом муҳитни қарор топтириш, уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, ҳамкор ташкилотлар билан бирга жойларда кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

# Солиқ имтиёзлари — тадбиркорлик асоси

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ, ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ, АЙНИҚСА, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧМОҚДА

■ **Сайфулла ИКРОМОВ,** «XXI asr»

Қарши давлат университетида Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан ташкил этилган кўргазмали семинарда солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар орқали тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар ҳақида сўз борди.



Таъкидланганидек, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан юртимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловларнинг ставкалари пасайтирилди, шунингдек, қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёзлар муддати узайтирилди. Хусусан, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йилдаги 6 фоиздан 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз, божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар (божхона брокерлари) учун ягона солиқ тўлови ставкаси ҳам 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди.

— Биргина ўтган йили вилоятимизда фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг 3973 таси жами 233,5 млрд. сўмлик солиқ имтиёзидан фойдаланишди, **— дейди бошқарма бошлиғи Худойберди Холбоев.** — Бу эса ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Эътироф этиш жоизки, ягона солиқ тўлов ставкасининг камайиши ҳисобига вилоятдаги микрофирмалар ва кичик корхоналар ихтиёрида жорий йилда 1,0 млрд. сўмдан ортиқ маблағ қолиши мумкин.

Сўзга чиққанлар ягона ер солиғи ставкасини қишлоқ хўжалиги майдонларини қайта ҳисобланган норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорида белгиланганлиги, бунда 2016 йил 1 январдан бошлаб ягона ер солиғи Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аниқланган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши тартиби жорий қилинганлиги фермер хўжаликларининг иқтисодий юксалишига хизмат қилишини таъкидлашди.

— Тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун фойда солиғи, мол-мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ҳамда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзларнинг муддати 2018 йилнинг 1 январига қадар узайтирилганлиги айни муддао бўлди, **— дейди тадбиркор Саъдулла Камолов.** — Бундай имконият ва имтиёзларнинг жорий этилиши хусусий бизнес вакиллари фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилиши аниқ. Бугунги тадбирда белгиланган солиқ имтиёзлари билан янада яқинроқ танишдим.

Семинарда қатнашчиларнинг солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар, берилаётган имтиёзлар ҳақидаги саволларига батафсил жавоблар қайтарилди. Худди шундай семинарлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ташкил этилмоқда.

# Имкониятлар етарли

## ҲАММА ГАП УЛАРНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ИШГА СОЛА БИЛИШДА

Одатда янги йил учун режалар тузишда ўтган йил натижалари сарҳисоб қилинади. Хўш, поёнига етган 2015 йил O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши фаолиятида қандай из қолдирди? Қандай ютуқларга эришилди? Қайси йўналишларда оқсоқликка йўл қўйилди? Жорий йилга қандай режалар билан кириб келинди?

Навоийлик мухбиримиз партия вилоят кенгашининг Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Болиқул Юлдашев ҳамда депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Сухроб Худаяровга ана шундай саволлар билан мурожаат этди.

**— O`zLiDeP ўз номи билан тадбиркорлар ва ишбилармонлар партияси. Электорат ҳамда маслакдошларни бир ғоя ва мақсад йўлида бирлаштириш қай даражада ташкил этилган? Сафдошларни кўпайтириш, партиявий ташвиқот-тарғибот ишларини амалга оширишда депутатлик корпусининг иштироки қандай?**

ПАРТИЯ ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛАР ИШТИРОКИДА ТИЗИМЛИ РАВИШДА ЎТКАЗИБ КЕЛАЁТГАН ТАШВИҚОТ-ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ ТУФАЙЛИ САФЛАРИМИЗ ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ВАКИЛЛАРИ ҲИСОБИГА ОРТИБ, СИЁСИЙ САЛОҲИЯТ КАСБ ЭТАЁТГАНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. КЕЙИНГИ БЕШ ЙИЛДА ФЕРМЕР САФДОШЛАРИМИЗНИНГ САЛКАМ ОЛТИ БАРОБАРГА КЎПАЙГАНИ ФИКРИМИЗГА ЯҚҚОЛ МИСОЛДИР. ТАДБИРКОР ЛИДЕПЧИЛАР ЭСА **530** НАФАРДАН **4317** НАФАРГА ЕТДИ.

**Б. Юлдашев:**

— Ўз фаолиятидан қониққан киши бепарволик, беғамликка берилади. Изланиш ва интилишдан тўхтайди. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, 2015 йилни ёмон якунламадик.

Бўлимимиз томонидан туман, шаҳар кенгашлари билан ҳамкорликда ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий мавзуларда 73 та семинар, давра суҳбати ва бошқа партиявий тадбирлар ўтказилди. Уларга 4 минг нафардан зиёд тингловчи қамраб олинди. Шундан 2 минг нафардан зиёди фермер ва фермер хўжаликлари аъзолари ҳамда тадбиркорлик субъекти вакилларидир. Ташвиқот ишларимизнинг самарали бўлишида ҳамкорларимиз — вилоят Фермерлар кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими, бир қатор тижорат банкларининг кўмаги катта бўлди. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан анъанавий тарзда ташкил этилаётган «Мулкдор оила» ва «Тадбиркорлар мулоқот форуми» доирасидаги давра суҳбати, учрашув, мулоқот ҳамда семинарларни бевосита тадбиркорлик субъектларида ўтказишга ҳаракат қилдик. Уларнинг одамни зериктирувчи «фонограмма» шаклидаги, қуруқ маърузалардан қочган ҳолда, ҳар бир туман ва шаҳарда юқори натижаларга эришган, эл назарига тушган фермер хўжаликлари ҳамда тадбиркорлик корхоналарида уюштирилгани яхши самара берди. Масалан, «Мулкдор оила — 2015»да жами 78 нафар иштирокчининг 42 та лойиҳаси тижорат банкларининг 389,3 млн. сўмлик банк сертификатларига лойиқ кўрилди.

«Ташаббус-2015» кўрик-танлови вилоят босқичида сафдошларимиз — Навоий шаҳридаги «GORNYAK» МЧЖ раҳбари Валижон Файзиев «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. «Энг яхши фермер» номинацияси бўйича халқ депутатлари Қизилтепа туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, «Шуҳрат» медали соҳиби, «Наргиз диёр» фермер хўжалиги раиси Хуршид Раҳмонов биринчи ўринни қўлга киритди. Танловнинг учинчи асосий йўналиши — «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича ғолиб бўлган нуроталик ҳунарманд қизимиз Гулжаҳон Исломова эса эртасигаёқ сафимизга қўшилди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан илк бор Қарши шаҳрида ўтказилган «Ёш фермер» кўрик-танловида «Обод турмуш келажаги» фермер хўжалиги раиси Наргиза Маманова фахрли иккинчи, Хатирчи туманидаги «Очил бобо — 2000» фермер хўжалиги раҳбари Аслиддин Очилов «Энг ташаббускор ёш фермер» номинацияси ғолиби бўлди. Навбаҳор туманидаги «Жўраева Роҳат» фермер хўжалиги раиси Аббос Шодиқулов ташкилий қўмитанинг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаларини қўлга киритди.

Худди шунингдек, ёш тадбиркор, «Гранд фарм Авицена» хусусий корхонаси раҳбари Ғолибжон Каримов раислик қилаётган БПТ «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» кўрик-танловининг республика босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Кармана туманидаги «Муҳаббат боғи» хусусий корхонаси раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Ориф Каримов эса «Йил депутати» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг ташаббускор депутат» номига муносиб кўрилди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Сафдошларимиз ибрати, партия ҳудудий кенгашлари ходимларининг ҳамкорлар иштирокида тизимли тарзда ўтказиб келаётган самарали ташвиқот-тарғибот ишлари туфайли сафларимиз фермерлик ҳаракати ва тадбиркорлик субъекти вакиллари ҳисобига ортиб, сиёсий салоҳият касб этаётганлигини таъкидлаш жоиз. Кейинги беш йилда фермер сафдошларимизнинг салкам олти баробарга кўпайгани бунинг яққол мисолидир. Тадбиркор лидепчилар эса 530 нафардан 4317 нафарга етди.

**С. Худаяров:**

— Болиқул ака бизнинг бўлим фаолияти ҳақида ҳам деярли маълумот бериб бўлди, чамамда. Умуман олганда, партия вилоят кенгашини яхлит бир «организм» деб тасаввур қиладиган бўлсак, унинг бўлимлари бир «мушт»га айланиши айни ҳақиқатдир.

**— O`zLiDePнинг «Биргаликда биз кучмиз!» шиорини эслатмоқчисиз-да...**

**С. Худаяров:**

— Худди шундай. Айтайлик, БПТлар билан ишлаш сектори партия таянч тузилмалари бошини қовуштириб турмаса, иш оқсайдими? Оқсайди. Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш бўлими ўз юкини тортолмаса, партиямизнинг электорати эътибордан четда қолади. Кенгаш ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази ўтказиладиган тадбирларда O`zLiDeP ғоя ва мақсадлари, Сайловолди платформасида белгиланган долзарб вазифаларни аҳолига тушунтиролмаса, тадбирлар енгил-елпи ўтказилса, бундан ким, қандай наф кўради? Бугун биз глобал ахборот замони ва маконида яшаётганлигимиз, қолаверса, партиялараро рақобатни ҳам эсдан чиқармаслигимиз зарур. Мустақиллик шарофати билан мамлакат аҳолисининг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгарди. Интеллектуал салоҳияти юксалди. Шу нуқтаи назардан қараганда, 2014 йил декабрь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайлов чоғида ўзининг ташаббускорлиги, илғор ғоя, эзгу мақсадларини амалга ошириш орқали кенг халқ оммасини ортидан эргаштира оладиган кўплаб сафдошларимиз депутатлик мандатини қўлга киритиб, партиямизнинг вилоятда обрў-эътибори ортиб бораётганлигини яна бир карра намойиш этишди. Айни кунда 1 нафар сафдошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида партия электорати манфаатларига хизмат қилувчи қонунлар ижодкорлиги билан шуғулланаётган бўлса, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги 50 та депутатлик ўрнидан 17 таси ёки 34 фоизини сафдошларимиз банд этишган. Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларида эса 89 нафар партиядошларимиз фаолият юритишяпти. Улар томонидан ўтган 2015 йилда мутасадди ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимизнинг фармон ва қарорлари ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳа билан шуғулланувчи ва энди иш бошлаган тадбиркорларга қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, ҳудудларда фермер хўжаликларини ривожлантириш, зарур инфратузилмани шакллантиришга кўмаклашишга оид 258 та депутатлик сўрови жўнатилди. Депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари кенгашлари мажлисларида 82 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига 25 та таклиф киритилди. Сессиялар кун тартибига тавсия этилган 6 та долзарб масала муҳокама этилиб, ижобий ҳал қилинди.

**— Кучли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий саводхонлигини янада юксалтириш олдимизда турган муҳим вазифалардан саналади. Сизнинг-ча, қўлга киритилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, кечаги кун билан яшаш мумкинми?**

**Б. Юлдашев:**

— Соат миллари орқага қараб юрмаганидек, ҳаёт ҳам доимо илгарилаб бораверади. Шу боис ишимизда хотиржамликка, сусткашликка асло йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайман. Вилоятимиз партия ташкилотининг ҳали ишга солинмаган имкониятлари анчагина. Бугун ҳудудимизда 15,6 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъект, 1600 тадан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган экан, улар билан бамаслаҳат ҳолда мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ижобий ҳал қилинишига партиявий йўллар билан кўмаклашиш олдимизда турган энг муҳим вазифадир.

**Суҳбатдош:**
**Мансур АСЛОНОВ.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** ***Олинган маълумотларга кўра, 2015 йил якуни бўйича Навоий вилоятида фаолият кўрсатаётган 522 та бошланғич партия ташкилотларидаги сафдошларимиз сони 19 минг 208 нафарни ташкил этади.***

**«XXI ASR»** 4 (636)-son, 2016-yil 28-yanvar, payshanba



**«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АҲОЛИ ЎРТАСИДА КАТТА ҲУРМАТ ВА ОБРЎГА ЭГА ТУРЛИ ИЖТИМОИЙ ГУРУҲ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН АЛОҚА ЎРНАТАДИ, УЛАР БИЛАН ДОИМИЙ УЧРАШУВЛАР УЮШТИРИБ, ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ЎРГАНАДИ ВА ПАРТИЯ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА КЎМАКЛАШАДИ, ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИДА УЛАРГА ТАЯНАДИ. ШУНИНГДЕК, АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР, ФЕРМЕРЛАР, МУЛКДОРЛАР СИНФИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА БОШҚА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИГА ДОИМИЙ ТАРЗДА ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР ВА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМ ЭТИБ БОРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЯДИ».**

**O`zLiDeP Уставидан**

# Талаб жиддий, ташаббускорлик муҳим

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ўтган йилнинг декабрь ойида ўтказилган «Йил депутати», «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» ва «Энг намунали туман (шаҳар) партия ташкилоти» кўрик-танловлари сафдошларимиз томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг ўзига хос намойиши бўлди, дейиш мумкин. Мазкур тадбирда иштирок этган Навоий шаҳар партия кенгаши «Энг намунали туман (шаҳар) партия ташкилоти» номинацияси бўйича рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланган эди. Шу муносабат билан партия ташкилотининг БПТлар билан ишлаш бўйича бош консультанти Шаҳзода АВЕЗОВАга бир неча савол билан мурожаат қилдик.**







**— Айтинг-чи, рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлиш шахсан сизни қаноатлантирдими?**

— Биз ҳам партиямиз томонидан белгиланган вазифаларни бекаму кўст бажариш, унинг ғоя ва мақсадларини электорат вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилиш, маслакдошларимиз ҳамда тарафдорларимиз сонини кўпайтириш учун ҳаракат қилаяпмиз. Рағбатлантирувчи мукофотга лойиқ кўрилганимиз эса фаолиятимизни янада такомиллаштириш, зиммамиздаги бурчни сидқидилдан бажаришга янада каттароқ масъулият билан ёндашишимиз кераклигини кўрсатади. Биз учун ишчи гуруҳга тақдим этилган ҳужжатлар асосида фаолиятимиз, амалга оширган ишларимиз ҳакамлар ҳайъатининг назарига тушганлиги, улар томонидан эътироф этилгани, холисона баҳолангани муҳим.

**— Маълумотларга кўра, шаҳардаги партия қуйи бўғинлари сони ўтган йилги даражада сақланиб қолган. Буни қандай изоҳлайсиз?**

— 2014 йилнинг апрелида таҳлилий-танқидий руҳда ўтган партия вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида номигагина иш юритаётган БПТлар ҳамон мавжудлиги қаттиқ танқид қилинган ва барча туман (шаҳар) кенгашларига бу борада қатъий чоралар кўриш, камчиликларни бартараф этиш учун кенг кўламли тушунтириш, ташвиқот-тарғибот ишларини амалга ошириш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва уларни партиянинг том маънодаги таянчига айлантириш вазифаси юклатилган эди. Ўша йили бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида бир қанча қуйи ташкилотларимиз раислигига сиёсий етук, ёш, ташаббускор ва изланувчан ёшлар сайланди. БПТ фаолияти, унга бўлган қарашлар ҳам бир мунча ўзгарди. Талай қуйи бўғинларда аъзолар сафини партия электорати вакиллари, тадбиркор ёшлар ҳисобига мустаҳкамлаш орқали уларнинг фаоллигини кучайтиришга эътибор қаратилди. Вилоят Фермерлар кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят минтақавий филиали, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят «Ҳунарманд» уюшмаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий филиали, тижорат банклари сингари ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан алоқалар янада мустаҳкамланиб, тарғибот ишларимиз таъсирчанлиги оширилди.

Тўғри, БПТлар сонини кўпайтириш керак. Аммо сон кетидан қувиб, сифатни унутиб қўймаслигимиз лозим. Шу маънода 63 та бошланғич ташкилотимиз сифат, яъни талаб даражасида фаолият юритиши, ташаббускорлиги жиҳатдан аввалгиларидан у ёки бу даражада фарқ қилади. Жорий йилда эса таянч бўғинларимиз сонини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб бораяпмиз.

**— Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, таъсирчанлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар қандай самара беряпти?**

— Янги ва қайта сайланган БПТ етакчилари учун ўқув-семинарлар ташкил этилиб, тарғибот ишларини олиб бориш, йиғилишлар ўтказиш, ҳужжатлар билан ишлаш ва бошқа йўналишлар бўйича билим ва кўникмалари мукаммаллаштирилмоқда. Жойлардаги қуйи бўғинларда бўлиб, илғор иш тажрибалари борасида сабоқлар бердик. Жойларда ўтказиладиган оммавий-сиёсий тадбирларда ҳудуддаги бошланғич ташкилот раисларини масъул қилиб белгилаш тажрибаси ҳам етакчилар савиясини оширишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг кўрсатмасига мувофиқ партия шаҳар кенгаши раиси ва унинг ўринбосарларининг ҳар ҳафтада ҳудуддаги корхона, ташкилот ва тадбиркорлик субъектларига бориб, мулоқотлар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Партия дастурий ғоя ва мақсадларини жамоатчиликка етказиш, ташвиқот-тарғибот ишларини амалга оширишда Саодат Бозорова, Исроил Ахтамов, Гавҳар Хонназарова, Зарифа Рўзимуродова, Ўроқбой Тўраев, Валибой Файзиев, Рауф Гадойбоев, Фазлиддин Исомиддинов, Жумамурод Каримов, Санжар Фозилов каби БПТ раҳбарлари ўз сафдошларига ўрнак кўрсатишмоқда. Улар бошқараётган қуйи ташкилотлар партия шаҳар кенгашининг чинакам таянч нуқталаридир. Уларнинг бевосита кўмаги билан шаҳардаги «Умид», «Жанубий», «Тинчлик», «Ишонч» ҳамда «Орзу» МФЙлари, «Навоийсавдо» савдо мажмуаси, «Шамс Навоий» ХК, «Триумф Горняк» МЧЖ, НКМКнинг тиббий-санитария бўлими ва кўп тармоқли жарроҳлик бирлашмаси, «Қизилқумцемент» АЖ, Навоий шаҳар «Саховат бозори» МЧЖларида кўплаб тадбирлар талаб даражасида ташкил этилаяпти. Натижа шуки, шаҳардаги партия аъзолари сони ўтган йили 1146 нафарга кўпайиб, жами 5109 нафарга етди.

**— Депутатлар партиянинг энг илғор ва ташаббускор вакиллари саналади. Бинобарин, улар билан ҳамкорлик қай даражада йўлга қўйилган?**

— Энг йирик ютуқларимиздан бири — 2014 йилда бўлиб ўтган сайловда халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги жами 30 та депутатлик ўрнининг 16 тасига эл-юрт корига ярайдиган, халқ орасида катта обрў-эътиборга эга сафдошларимиз депутат этиб сайланди. Уларнинг ҳар бирига бир нечтадан БПТ бириктирилди. O`zLiDeP шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Алишер Мирзаевнинг ибратли фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг ташаббуси билан ҳар ҳафтада бирор сайлов округида БПТ раислари иштирокида депутатлик гуруҳи аъзоларининг аҳоли билан учрашувини ўтказиш, муаммоларни биргаликда жойида ўрганиш ва уларга ижобий ечим топиш чоралари кўрилмоқда. Бундай тадбирлар нафақат сайловчилар томонидан кўтарилган масалаларни ҳал этиш, балки таянч тузилмаларимиз фаолиятини янада яхшилаш, жойларда сафдошларимиз сонини кўпайтиришга ҳам имкон бермоқда. Баҳодир Рўзиев, Маҳфуза Ҳамроева, Азим Жўраев, Ҳусен Амонов, Амир Азимов, Ғолибжон Назаров, Толиб Явқочев, Улуғбек Жўраев сингари депутатларимиз бизга ҳар жиҳатдан кўмакдош бўлишмоқда.

Шу ўринда бир воқеани баён қилиш жоиз, деб ўйлайман. Депутат Маҳфуза Ҳамроева билан шаҳардаги ташкилотлардан бирига сиёсий мулоқот ўтказиш учун борган эдик. Қатнашчилардан бири бизга: «Партия бизга нима бериши мумкин?» — дея савол берди.

Депутат партия одамларга нимадир тарқатадиган ёки кимнингдир муаммосини бир зумда ҳал этадиган ташкилот эмаслиги, аксинча, O`zLiDeP-нинг мақсади — сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркорлар ва фермерларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини ҳимоялаш ва эртанги кунини таъминлашдан иборат эканлигини батафсил тушунтирди. Депутат сўзларидан кейин тадбир қатнашчиларининг партиямиз ғоялари, фаолиятига қизиқиши ортгани сезилди. Орадан кўп ўтмай, бу ерда бошланғич ташкилот тузилди. У бугунги кунда энг илғор тузилмаларимиздан биридир.

**Ўз мухбиримиз.**

# Чемпионлар онаси — БПТ етакчиси

**Яқинда Сайхунобод туманидаги «Муҳаммад Сиддиқ» МЧЖда янги бошланғич партия ташкилоти иш бошлади. Унга мазкур корхона раҳбари, халқ депутатлари туман кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзоси Шоира Шаматова бир овоздан раис этиб сайланди.**

— Шоира Шаматовада етакчилик қобилияти бор, — дейди O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Дилшод Мадраҳимов. — У ўз маслагига содиқ, етарли билим ва малака, катта ҳаётий тажрибага эга маслакдошларимиздан бири.

— Бошланғич ташкилот аъзоларини партиямиз ғоялари жипслаштириб турибди, — дейди янги БПТ раиси. — Қувонарлиси, партияга ўтиш истагини билдираётганлар сони тобора ошиб бораётир. Бу эса либерал-демократик ғояларнинг кўпларга, айниқса ёшларга маъқул бўлаётганидан далолатдир. Биз сафимизга ўтиш истагини билдираётганларнинг билим ва иқтидори, дастурий ғояларимизни нечоғли теран англаши, O`zLiDeP Устави ва Дастурида белгиланган вазифаларга қанчалик масъулият билан ёндашиши каби хислатларига эътибор қаратяпмиз. Бу фазилатларнинг улар онг-шууридан янада мустаҳкам ўрин олиши учун куч ва ғайратимизни аямаймиз. Таъкидлашни истардимки, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси бизни янги марралар сари руҳлантирмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг «Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, кичик бизнес эгалари, тадбиркорларимизнинг йўлини янада кенгайтириб берадиган бундай қарор ва тадбирларимизни кўпайтиришимиз ва самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб вазифамизга киради», деган сўзлари барчамиз учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Шу ўринда таянч тузилма раисининг ишбилармонлик салоҳиятидан дарак берувчи айрим маълумотларни баён этишни ҳам жоиз, деб топдик. Ёш бўлишига қарамай, бир неча йилдан буён ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонани бошқариб келаётган Шоира Шаматова биринчилардан бўлиб O`zLiDeP сафига кирган эди. Корхона цехларига Хитойдан олиб келинган, бир суткада 60 минг дона пишган ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий технология ўрнатилган. 2015 йилда 1 миллион 200 минг донадан зиёд пишган ғишт ишлаб чиқарилиб, намунавий лойиҳа асосида барпо этилаётган уй-жойлар қурилиши учун етказиб берилди. Қайд этиш керакки, ёшлар учун янги иш ўринлари яратилишида мазкур корхонанинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган 15 нафар ходимининг асосий қисмини касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ташкил қилади.

Янги қуйи ташкилот фаолиятини қатъият билан бошлаганлиги эътиборга молик. Етакчи ташаббуси билан маҳалла аҳли, яқин атрофдаги БПТлар фаоллари ва туман ободонлаштириш бошқармаси жалб қилинган ҳолда ҳудудда тозалаш, ободонлаштириш бўйича ҳашар уюштирилди. Икки кун давом этган ушбу тадбир туфайли уй-жойлар атрофи тозаланиб, ҳавас қиларли даражада кўркамлаштирилди.

Яқинда Ҳамид Олимжон номли 2-берк кўча аҳолиси йўлларнинг носозлигидан шикоят қилишди. Шоира депутат сифатидаги ваколатидан фойдаланиб, қатор мутасадди идораларга сўров билан чиқди. Пировардида асфальт ётқизиш ишлари яқин истиқболдаги режага киритилди.

Янги йил байрами арафасида БПТ раҳбарининг ташаббуси билан кексалар ҳолидан хабар олинди. 11 нафар ёши улуғ қарияларга байрам совғалари улашилди.

...Шоира билан суҳбатлашсангиз, завқ-шавқ билан ишлайдиган, бошқаларни ҳам шижоат билан меҳнат қилишга илҳомлантира оладиган, O`zLiDeP аъзоси эканидан ғурурланиб яшаётган сафдошларимиздан эканлигини, уни бежиз етакчи этиб сайлашмаганини ҳис қиласиз. Илгари ҳам туманда бирор-бир муаммо вужудга келса, кўпчилик Шоирага мурожаат қиларди.

Оддий мисол, «Пахтакон» маҳалласида ичимлик суви оқмай қолганди. Маҳалла аҳли бу борада Шоирадан ёрдам сўради. Унинг саъй-ҳаракати билан сув тортиш ускунаси таъмирланди. Ер остидаги эскириб қолган қувурлар янгиланди. Шу тариқа 1200 нафар кишининг тоза ичимлик сувига нисбатан эҳтиёжи қондирилди.

Шунингдек, ўтган йили партиямиз вакилининг ташаббуси билан вилоятнинг чекка қишлоқларидан бири — Пахтаконда каратэ тўгараги очилган эди. Қисқа вақт ичида унинг аъзолари сони 60 нафардан ошди. Қувонарлиси, мазкур тўгарак аъзолари орасидан Ўзбекистон ва Осиё чемпионлари етишиб чиқди.

— Мустақил Ўзбекистонимизнинг бахти тўкис аёллариданман, — дейди Шоира Шаматова. — Қизларим Гулҳаё ва Шаҳризода каратэ бўйича мамлакатимиз чемпиони бўлишди. Шаҳризода Таиландда ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, Осиё чемпиони деган шарафли номни қўлга киритди. Қисқаси, барча соҳада яратилаётган улкан имкониятлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Бутун куч ва салоҳиятимизни ишга солиб, партиямиз нуфузини мустаҳкамлаш, дастурий вазифаларни амалга оширишга интилаверамиз.

**Ўз мухбиримиз.** Сирдарё вилояти.

# «Мен O`zLiDeP сафига қўшилдим»

**Уч-тўрт йилча илгари бир дўстим билан ижтимоий-сиёсий мавзуда баҳслашиб қолдик. Унинг фикрича, одамларга муносиб ҳаёт кечиришлари учун шароит яратилса, қадр-қиммати, инсоний эркинликлари ишончли ҳимоя қилинса, мамлакат ўз-ўзидан тараққиёт сари юз тутади. Суҳбатдошимнинг фикрларини инкор этмаган ҳолда, баъзи эътирозларимни ҳам билдирдим. Чунончи, аввало иқтисодий эркинликни таъминлаш, хусусий бизнесга кенг йўл очиш ва оёққа туриб олиши учун қулай муҳит яратиш зарурлиги, шундагина барча эзгу ниятларга эришиш имкони туғилишини таъкидладим. Мулоҳазаларимни юксак ривожланган давлатларнинг тараққиёт йўли мисолида асослашга ҳаракат қилдим. Дўстим мендан O`zLiDePга аъзо бўлган-бўлмаганлигимни сўради. «Сиёсий қарашларинг либерал ғояларга жуда мос», — деди у.**

**Ўшанда партия сафига кириш у ёқда турсин, ҳали бу сиёсий куч ҳақида муайян тасаввурим ҳам йўқ эди. Кейинчалик либерал-демократик партия фаолиятини қизиқиш билан кузатиб бордим. Айрим партиявий тадбирларда иштирок этдим. Шунингдек, баъзи корхона ва ташкилотларда тузилган БПТ йиғилишларида қатнашиб, дастурий мақсадлар, мулкдорларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган хайрли ишлар билан чуқурроқ танишдим. Бу борада билимларим ошгани сайин ҳақиқатан ҳам мазкур сиёсий куч ғоялари дунёқарашимга уйғунлигини англадим. Яқинда «Сизга барака» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида янги бошланғич ташкилотга асос солингач, анчадан буён ўйлаб юрган ниятимни амалга оширдим — O`zLiDeP сафига қўшилдим. Таянч тузилмамиз 9 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Улар орасида маҳалладошларим ва маслакдошларим — «Титан универсал» хусусий корхонаси раҳбари Фикрат Алимов, АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» ходими Фарҳод Қурёзов, «Агроинвестсуғурта» акциядорлик компанияси ходими Меҳриддин Мирзақулов ва бошқалар борлигидан ғоят мамнунман. Касбий вазифаларимизни бекаму кўст бажариш билан бирга партия Дастури ва Уставида белгиланган мақсадлар ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш, партиявий лойиҳаларда фаол иштирок этишни астойдил мақсад қилганмиз.**

Камолхўжа ТОШПЎЛАТОВ,
пойтахтимиздаги «Сизга барака» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бошланғич партия ташкилоти аъзоси.

# Дастурий мақсадларга ҳамоҳанг

**O`zLiDeP Марғилон шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Фарғона гўшт-сут савдо» акциядорлик жамиятида фаолият юритаётган бошланғич ташкилотда Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасига бағишланган семинар ўтказилди. Унда мазкур корхонадаги БПТ аъзолари ва ҳудуддаги қуйи бўғинлар етакчилари, тадбиркорлар, ёшлар, «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этдилар.**

**Тадбирда партия вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари ўринбосари Аҳаджон Расулов сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислоҳотларни, иқтисодиётимиз, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарурлигини таъкидлаганига эътибор қаратди.**

**— Ана шу устувор вазифалар партиямиз Дастури ва Сайловолди платформасида баён этилган мақсадларимизга ҳамоҳанг, — деди нотиқ. — Хусусан, бошланғич ташкилотлар жамоатчилик назоратига кўмаклашиш, давлат ва нодавлат ташкилотлари ишини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар бериш, хусусий сектор вакиллари мурожаатлари билан иш олиб бориш бўйича катта имкониятларга эга. Бу имкониятларни тўлиқ ишга туширишимиз, ҳар бир БПТнинг том маънодаги ижтимоий-сиёсий фаолият ўзагига айланишига эришишимиз керак.**

**Мулоқотда, шунингдек, O`zLiDeP шаҳар кенгаши раиси Дилшоджон Абдураҳмонов, партия Тошлоқ тумани ташкилоти раисининг биринчи ўринбосари Ачахон Ўрмонова ва бошқалар сўз олиб, иштирокчиларни Юртбошимиз маърузасини қайта-қайта ўқиш, унда билдирилган фикрлар, белгиланган вазифаларни дастуриламал сифатида қабул қилишга даъват этдилар.**

**Тадбир якунида партиянинг шаҳар кенгаши томонидан бир гуруҳ партия фаолларига совғалар топширилди.**

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

ЮРТБОШИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ 2015 ЙИЛНИНГ 5 МАРТИДА МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА O`ZLIDEРДАН НОМЗОД СИФАТИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШГАНДА ГУЛИСТОННИ ВАТАНИМИЗНИНГ БОШҚА ШАҲАРЛАРИДАН КАМ БЎЛМАГАН ОБОД ВА ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРГА АЙЛАНТИРАМИЗ, ДЕЯ ТАЪКИДЛАГАН ЭДИ



# ГУЛИСТОН — НОМИГА МУНОСИБ ГЎШАГА АЙЛАНАДИ

■ **Дилора ЭСОНОВА,** «XXI asr»

Орадан кўп ўтмай, яъни 4 сентябрда давлатимиз раҳбарининг «2015-2019 йиллар даврида ижтимоий, транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш билан комплекс ҳолда ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сизот сувлар сатҳини пасайтириш, Гулистон шаҳрини архитектуравий-режали қуришни тубдан янгилаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Таъкидлаш жоизки, қисқа вақт мобайнида ушбу ҳужжат ижроси юзасидан муайян тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, «Дўстлик» каналининг Гулистон шаҳри ҳудудидан ўтувчи қисмида кенг кўламли ирригация-мелиорация ишлари бажарилди. Каналнинг туби ва қияликлари замонавий технологиялар асосида тайёрланган, намни ўтказмайдиган бетон қоришма билан қопланди. Бу ишларни талаб даражасида амалга ошириш учун 110 дан зиёд техника воситаси ва 500 нафардан кўпроқ ишчи-мутахассис жалб этилди. Каналнинг қарийб 3,5 километрлик қисмида бажарилган реконструкция ишлари туфайли сизот сувлар сатҳи кескин пасайди. Шу кунларда дренаж тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ юмушлар амалга оширилмоқда.

Эътиборлиси, мелиорация иншоотларини янгилашда энг сўнгги русумдаги замонавий технологиялардан фойдаланиляпти. Тик дренаж қудуқларига тежамкор, инновацион технологияларга асосланган механизмлар ўрнатилиб, автоматик бошқарув — диспетчерлик маркази ишга туширилаяпти. Шунингдек, қудуқлардан тортиб олинган сувлар аввалгидек шаҳар ичидаги ариқ ёки очиқ коллекторларга оқизилмайди, аксинча, ягона тизим орқали ташқарига чиқариб юборилади. Айни пайтда ана шу лойиҳани амалга ошириш учун 22 километрлик ёпиқ ва 6,2 километрлик очиқ коллекторларни тозалаш тадбирлари жадал олиб борилмоқда. Сизот сувларни темир ва автомобиль йўллари остидан ўтказувчи «ВС-13» ва «ОК-1» коллекторларида дюкерлар қурилиши тугалланди. 230 метр узунликдаги металл қувурлар монтаж қилиниб, 3 та сув ўтказиш-назорат қудуғи ишга туширилди. Натижада ер ости сувлари сатҳи 1,5 метргача пасайди. Мутахассислар маълумотларига кўра, 2015 йилнинг март ойида ер ости сувлари сатҳи ўртача 0,9-1,2 метрни ташкил этган бўлса, декабрь ойига келиб 1,7-2,5 метрга пасайган.

— Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли шаҳримиз ўз номига монанд равишда ҳақиқий Гулистонга айланиб бормоқда, **— дейди Сирдарё насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси етакчи мутахассиси Пиримқул Дўстмаматов.** — Гулистонлик сайловчиларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, вилоятимиз маркази қиёфасини янгилаш, ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ҳаёт сифатини оширишга қаратаётган катта эътибори учун O`zLiDeРдан сайланган давлатимиз раҳбаридан миннатдор эканликларини самимият билан изҳор қилаётганлигига гувоҳ бўласиз.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Энг муҳими, бугун шаҳарда амалга оширилаётган жараён улкан бунёдкорлик ишларининг дебочаси, холос. Яқин келажакда вилоят марказида 1,5 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр қурилиши, вилоят мусиқали драма театрини тубдан реконструкция қилишга киришилади. Вилоят никоҳ саройи қаршисида барпо этиладиган «Шоирлар боғи»да улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ҳайкали қад ростлайди, унинг атрофида қуриладиган мусиқали фавворалар майдонга ўзгача файз-тароват бағишлайди. Мазкур сайилгоҳ марказий истироҳат боғига уланиб, Дўстлик каналининг ҳар иккала қирғоғи бўйлаб шаҳарнинг тўртинчи мавзесига қадар давом этади.

Шу кунларда Боёвут туманининг Гулистон шаҳрига туташган 55 гектарлик майдонда деҳқон ва буюм бозорини қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Дастурга кўра, 10 та автомобиль йўли ҳамда темир йўл устидан ўтувчи шимолий кўприкни икки баравар кенгайтириш, шаҳардаги тоза ичимлик суви, электр ва газ тармоқларини ривожлантириш борасида ҳам кенг кўламли иш олиб борилаяпти.

Мухтасар айтганда, Мирзачўлда бунёд этилган Гулистон мустақиллик шарофати билан янада кўркам қиёфа касб этиб, юртимизнинг гуллаган ва обод гўшаларидан бирига айланаётир.

**Сирдарё вилояти.**

## «ДЎСТЛИК УЙИ»ГА МАРҲАМАТ!

**Фарғона вилоятида 50 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшашяпти. Уларнинг эркин меҳнат қилиши ва ўз лаёқатларини тўла намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, рус, татар, немис, тожик, қирғиз, яҳудий, корейс миллий-маданий марказлари фаолияти ҳар жиҳатдан ибратли. Яқинда ушбу марказларни бирлаштирувчи ягона вилоят миллий-маданий маркази — «Дўстлик уйи» ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва динлараро бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлашдир.**

**Муҳташам «Дўстлик уйи»да ўтказилган «Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда» мавзуидаги тадбирда турли миллат вакилларининг тасвирий ва халқ амалий санъати, миллий ҳунармандчиликка оид ижод намуналари намойиш этилди. Тадбир сўнгида миллатлараро дўстлик ва тотувликни улуғловчи «Ўзбекистон — бағрикенг диёр» мавзуидаги кинофильм намойиш этилди.**

## «САХОВАТ»ДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАР

**Фарғона шаҳридаги «Саховат» интернат-уйида ижтимоий таъминотга муҳтож отахон ва онахонларни соғломлаштириш, уларнинг мазмунли дам олишларини ташкил этиш учун бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Ҳозир бу ерда 127 нафар кекса ва ногирон истиқомат қилмоқда. Улар тез-тез тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Хусусан, яқинда «Экосан» халқаро жамоат фонди вилоят ҳудудий ташкилоти томонидан кексалардан 2 нафарига ногиронлар аравачаси, 2 нафарига эшитиш аппарати ҳамда 3 миллион сўмлик антисептик воситалар берилди.**

**— Масканимизда 26 миллион 450 минг сўм ҳажмидаги қуёш батареялари, сув иситиш мосламалари ўрнатилди, — дейди «Саховат» кексалар ва ногиронлар интернат-уйи раҳбари Ҳабибулло Тошалиев. — Бу, шубҳасиз, кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган юксак ғамхўрликдан яна бир нишонадир. Зеро, улар ана шундай ҳурмат ва эъзозга лойиқ. Айниқса, яқинда «Ҳеч ким меҳр, эътибордан четда эмас» шиори остида ўтказилган хайрия тадбири барчада катта таассурот қолдирди.**

**Тадбир доирасида юрт равнақи йўлида катта хизмат қилган фидойи отахон ва онахонлар шаънига илиқ сўзлар билдирилиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.**

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

## ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

**Поп туманидаги тоғли шаҳарча — Олтинконда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари сони ортиб боряпти. Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасига қаратилаётган эътибор, солиқ тизимида яратилаётган имтиёзлар олтинконликларни янги марралар сари руҳлантирмоқда.**

**— Фарзандларим билан бамаслаҳат ҳолда «Агробанк» туман бўлимидан 30 млн. сўм кредит олиб, 100 ўринли чойхона, савдо дўкони, гўзаллик салонини барпо этдик, — дейди 70 ёшли тадбиркор Собиржон Авлонов.**

**— Ҳозирча ходимларимиз 10 нафарни ташкил қилади. Уларнинг 5 нафари коллеж битирувчисидир. Келгусида хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, яна 5 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлаш ниятидамиз.**

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ.**

## ДЕПУТАТГА САВОЛИМ БОР...

### Дорилар нархи нега ҳар хил?

**— Нега бир турдаги дори воситалари дорихоналарда ҳар хил нархда сотилади? Айтинг-чи, нархларни қайси ташкилот назорат қилади? Умуман, қонунчиликда бу ҳақда қандай меъёрлар белгиланган?**

**Д. Ҳамроева, Тошкент шаҳри.**

— «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган. Унга кўра, соғлиқни сақлаш, даволаш муассасалари, чакана дорихона тармоғида дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилашнинг ягона тартиби белгиланган. Шу қарор асосида дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари, етказиб беришда қатнашувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун 20, чакана савдо учун 25 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда улгуржи ва чакана савдо тармоғи орқали сотилиши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, мулкчилик шаклидан қатъи назар, мамлакатимиздаги барча дорихоналар томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш тартиби хусусийлаштириш, демонополизация ва рақобатни ривожлантириш давлат Қўмитаси томонидан назорат қилинади.

### Лицензиясиз мумкин эмас

**— Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланиш ниятидаман. Аммо яқинда кучга кирган «Ветеринария тўғрисида»ги қонунда бу борада қандай қулайликлар белгиланганидан бехабарман. Шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз.**

**Б. Михтибоев, Ўртачирчиқ тумани.**

— Ҳақиқатан ҳам, «Ветеринария тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири ушбу соҳада ўз бизнесини бошламоқчи бўлган тадбиркорларга қатор енгилликлар жорий этилди. Хусусан, қонуннинг 17-моддасида юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусий ветеринария фаолиятини амалга оширишлари белгиланди. Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати, эндиликда хусусий ветеринария фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар штатида ветеринар врач, фельдшер ва техник бўлиши шарт, деб белгиланган норма олиб ташланди.

Сиз ушбу фаолият билан шуғулланмоқчи экансиз, энг аввало, Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан бериладиган лицензияга эга бўлишингиз керак.

*Саволларга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси **Зокир УМАРОВ** жавоб берди.*

# Томчида қуёш акси

**Ёки иқтисодий ислоҳотлар ва маънавий янгиланишларнинг фаол иштирокчиларига айланган аёллар ҳамда ёруғ истиқболимиз эгалари бўлмиш янги авлодга нақадар кенг, изчил, аниқ мақсадли эътибор қаратилаётганининг бир туман мисолидаги исботи**

■ **Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,** «XXI asr»





Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида ифтихор билан: «Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласини ўзимиз учун энг муҳим, устувор вазифа сифатида белгилаб олдик. Бу соҳада зарур ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, миллат генофондини яхшилаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасида қандай улкан ишларни амалга оширганимиз барчамизга яхши маълум, албатта», дея таъкидлаган эдилар.

Дарҳақиқат, оналар ва болаларга эътибор истиқлолга эришган дастлабки йилларданоқ мустақил мамлакатимиз тараққиётининг бош йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Томчида қуёш акс этганидек, бу саъй-ҳаракатнинг ёрқин натижаларини ҳар жиҳатдан ривожланиб, барча соҳада ўз тажриба мактабини яратиб келаётган Элликқалъа тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда туманда истиқомат қилаётган 143089 нафар аҳолининг 72550 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарори ижросини таъминлаш юзасидан тумандаги 30 та овул ва маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, 169 та аёллар ишлайдиган корхона, ташкилот ва таълим муассасаларида хотин-қизлар қўмитаси, бошланғич ташкилотлари серқирра фаолият олиб бормоқда. Таълим муассасаларида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўгаракларининг иши ҳам самарали бўлаётир.

Ўзи севган касб ёхуд меҳнат фаолияти билан шуғулланган, ўз оила бюджетига муайян улуш қўшган аёлнинг юзида нур, қалбида ҳаётдан мамнунлик туйғуси бўлади. Туманда «Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури» бўйича 2015 йилда яратилган 3741 та янги иш ўрнидан 1136 тасига хотин-қизлар жалб этилди. Саноатда 243, сервис соҳасида 73, қишлоқ хўжалиги (шу жумаладан, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, узумчилик, балиқчилик, асаларичилик, сабзавотчилик, ипакчилик)да 81, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 56, касаначиликнинг барча шакллари асосида 167, фермер ва деҳқон хўжаликларида 327 нафар аёл доимий иш билан таъминланди. Йил давомида 8 марта «Бўш иш ўринлари» ярмаркалари ўтказилиб, уларда 263 та ташкилот ва корхона ўзларининг 583 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмаркалар ниҳоясида 460 нафар фуқаро ишга жойлаштирилган бўлса, шундан 171 нафарини ёшлар, 145 нафарини аёллар, 144 нафарини коллеж битирувчилари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси асосида жамоатчилик ва давлат идораларининг ҳамкорлигидаги фаолият тизимини йўлга қўйиш ҳамда жамоатчилик ҳамкорлигини ташкил этиш мақсадида барча фуқаролар йиғинларида жамоатчилик ишчи гуруҳлари фаолият олиб бормоқда. Улар «Саломатлик», «Таълим ва тарбия», «Оилаларга кириш», «Бандлик», «Жиноятчилик профилактикаси» шўъбалари бўйича таъсирчан фаолият юритаётир. Асосий эътибор соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилмоқда.

«Саломатлик» шўъбаси бўйича туман тиббиёт бирлашмаси, қишлоқ врачлик пунктлари билан биргаликда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, оилаларнинг тиббий маданиятини оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу кенг кўламли ишларга Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Қарор ижросини таъминлаш бўйича шу кунгача 4134 та тадбир ташкил этилди. Туғиш ёшидаги 40394 нафар аёл ва 17 ёшгача бўлган 52955 нафар боланинг барчаси чуқур тиббий кўрикдан ўтказилди. «Кексаларни эъзозлаш йили»да 3366 нафар ўғил-қиз дунёга келган бўлса, уларнинг ҳаммаси соғу саломат, истиқлолнинг ҳаётбахш ҳавосидан нафас олмоқда.

Тумандаги 30 та овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги 1 та академик лицей ва 6 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежи, 71 та умумтаълим мактабида таълимнинг барча босқичларини тўлиқ қамраб олиш, 12 йиллик мажбурий таълимга эришиш юзасидан амалий ишлар бажарилмоқда. Шу жумладан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш бўйича ягона рўйхат шакллантирилди. 2014-2015 ўқув йилида тумандаги жами битирувчилар сони 2073 нафарни ташкил этди. Шундан 1091 нафари қизлардир. Улардан 1064 нафари доимий иш билан таъминланиб, меҳнат дафтарчалари, буйруқ рақамлари олинишига эришилди. Битирувчи қизларнинг 16 нафари ўз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Ўтган йили туманда 1259 та никоҳ қайд қилинган бўлса, турмуш қурган ёшларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан банд.

— Ҳар қандай аёл ораста бўлиши керак, **— дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.Айитбоева.** — Ўтган йилнинг 12 октябрь куни «Ораста қизлар» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида бизнинг жамоамиз фахрли биринчи ўринни эгаллади. Тиббиёт коллежимизнинг 1-босқич ўқувчиси Сабина Сафарбоева республика босқичида «Энг зукко жамоа» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Шунингдек, Бўстон академик лицейи ўқитувчиси Пошшохон Шеримбетова «Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти» танловининг «Энг намунали касб-ҳунар коллежлари бошланғич ташкилоти» йўналиши бўйича республика босқичида фахрли 1-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 1-даражали дипломи билан тақдирланди.

Туманимиздаги маданият ва аҳоли дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари, спорт иншоотлари оналар ва болаларимизга беминнат хизмат кўрсатмоқда. Ўтказилаётган «Нафосат — бўстоним маним» санъат кўрик-танловлари, спорт мусобақалари ҳаётимизга янги мазмун бахш этмоқда. Биз бу ишларни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси туман кенгаши ва унинг Аёллар билан ишлаш бўлими кўмагида ташкил этаяпмиз. Бунда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни фаол жараёнларга жалб этиш орқали янги иш ўринлари яратиш, бизнесга оид илғор ғоя ва ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида аҳамият беряпмиз. Партиянинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Фермерлик ҳаракати — ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч», «Аёллар — инновацион ривожланиш тарафдори», «Замонавий аёл — бунёдкор етакчи», «Соғлом оила — мустаҳкам оила», «Диплом билан — бизнесга» ва бошқа лойиҳалари бу борада яхши самара бермоқда.

**Қорақалпоғистон Республикаси.**

ТУМАНДА «АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲУДУДИЙ ДАСТУРИ» БЎЙИЧА 2015 ЙИЛДА ЯРАТИЛГАН 3741 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИДАН **1136** ТАСИГА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖАЛБ ЭТИЛДИ. САНОАТДА **243**, СЕРВИС СОҲАСИДА **73**, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ (ШУ ЖУМАЛАДАН, ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК, БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК, БАЛИҚЧИЛИК, АСАЛАРИЧИЛИК, САБЗАВОТЧИЛИК, ИПАКЧИЛИК)ДА **81**, ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲИСОБИДАН **56**, КАСАНАЧИЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИ АСОСИДА **167**, ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИДА **327** НАФАР АЁЛ ДОИМИЙ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ.

# «Қайс гилам»ни Европада ҳам билишади

## ГИЛАМДЎЗЛИК ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИНИНГ КЕНГ ТАРҚАЛГАН ТУРИ БЎЛИБ, КЎП АСРЛИК АНЪАНА ВА ТАРИХГА ЭГАДИР



■ **Рисолат МАДИЕВА,** «XXI asr»

Халқимизда пат, ипак, жун, кигиз гиламларнинг «Қўқон», «Бухоро», «Хива», «Қоши қора», «Чубранг», «Бахмал» каби кўплаб турлари бор. Ўзининг бетакрор нақшлари, бежиримлиги, табиийлиги ва сифати билан машҳур бўлган бу гиламлар азалдан санъат асарлари даражасида қадрланган. Шу сабаб саноат қанчалик ривожланмасин, дастгоҳда, қўлда тўқилган гиламларга талаб ва эҳтиёж катта.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Янги Себзор» маҳалласида фаолият олиб бораётган «Қайс гилам» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилганига ҳадемай ўн йил тўлади. Дастлаб уч киши билан иш бошлаган корхонада бугунги кунда 80 нафар хотин-қиз гиламдўзлик билан машғул.

Пойтахтнинг Олмазор, Чилонзор, Яккасарой, Миробод ҳамда Тошкент вилоятининг Паркент туманида фаолият олиб бораётган филиаллар қаторига ўтган йили яна битта, яъни Навоий вилоятининг Нурота тумани филиали ҳам қўшилди ва уларнинг сони 14 тага етди. Айни пайтда 13 нафар нуроталик уй бекаси касаначилик асосида дастгоҳ ва хомашё билан таъминланиб, гиламдўзлик билан шуғулланмоқда. 2015 йилда 252 кв.метр гилам тўқилиб, олинган соф фойда 55 млн. сўмни ташкил этди.

Тўртта гуруҳдан иборат «устоз-шогирд» мактаблари ташкил этилгани ҳам кўплаб ёшларнинг ҳунар сирларини мукаммал эгаллашларига замин яратди. Касб-ҳунар коллежлари билан тузилган шартномалар асосида биргина ўтган йилнинг ўзида 60 нафар йигит-қиз ҳунар ўрганишга жалб этилиб, шулардан 10 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди.

— Қарийб ўн йилдирки, гиламдўзлик билан шуғулланаман, — дейди Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, гиламдўзлар устози Карима Ибрагимова. — Гилам тўқишнинг ўзига хос нозик томонлари бор. Дастлаб ип йигирилиб, кейин пиёз, анор, ёнғоқ пўчоқларидан олинган табиий бўёқларда бўялади. Тўқилиш жараёнида нақшлари, чидамлилиги, пишиқлиги, ёрқинлигига эътибор қаратилади. Сўнгра ювиб, қирқилади. Тайёр бўлган нафис ва бежирим гиламларни кўрганимда, қалбим тоғдай кўтарилади. Айниқса, ўнлаб ёшларга шу ҳунар сирларини ўргатаётганимдан мамнунман.

Корхонада бўлсангиз, ёшларнинг гиламдўзликка ҳаваси баланд эканлигидан қувонасиз. Уларнинг меҳр билан ишлаётганларини кўриб, бу ҳунарнинг умри боқий эканига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз.

— Қиз бола учун ҳунарли бўлиш жуда муҳим, — дейди Ҳамида Бойматова. — Мен устозим Карима опадан гиламчилик сир-синоатини пухта ўргандим. Ҳозир касаначилик асосида ўзим мустақил ишлаяпман.

— Гиламдўзлик анъаналарини ўзларининг янги услуб ва йўналишлари билан бойитиб келаётган ҳунармандларимизнинг санъат асари даражасидаги ижод намуналари бугунги кунда юртимиз ва хорижда ўтказилаётган кўплаб кўргазмаларда муваффақият билан намойиш этилмоқда, — дейди корхона раҳбари Муҳаммад Исроил Абдулқаюм. — Биз ҳам ушбу нуфузли танлов ва кўргазмаларда фаол қатнашиб, кўплаб фойдали шартномалар туздик. Айни пайтда февраль ойида Германиянинг Франкфурт шаҳрида ўтказиладиган халқаро кўргазмага ҳозирлик кўраяпмиз.

Ҳунармандларнинг кўз нури ва қалб қўри билан бунёд этилаётган турли ҳажм ва кўринишдаги гиламларни бир қатор Европа давлатларига экспорт қилиш ҳам йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик қўллаб-қувватланаётгани, хотин-қизлар ижтимоий ишлаб чиқариш ва оилавий бизнесга фаол жалб қилинаётгани туфайли кўплаб аёлларимиз доимий даромад манбаига эга бўлиб боришаётгани, айниқса, қувончлидир.

## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

**Турмуш ўртоғим ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодиса сабабли вафот этди. Вояга етмаган фарзандларимиз бор. Айтинг-чи, улар боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан бериладиган нафақа олиш ҳуқуқига эгами?**

**Б.Рустамова, Жиззах вилояти.**

— Албатта. Меҳнат кодексининг 291-моддасига асосан, боқувчисини йўқотганлик пенсияси меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллиги туфайли вафот этган боқувчининг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига, унинг меҳнат фаолияти муддатидан қатъи назар тайинланади. Агар у бошқа сабаблар оқибатида вафот этган бўлса, нафақа шунга мувофиқ келадиган умумий меҳнат стажига қараб тайинланади. Бундай меҳнат стажининг муддати суғурта қилинган ходимнинг вафот этган кунига қадар бўлган ёшига боғлиқдир.

**Мен почта соҳасида ишлайман. Ёшим 17 да. Меҳнатга оид ҳуқуқларим катта ёшдаги ходимларнинг ҳуқуқларидан фарқ қиладими?**

**Н.Чориев, Қашқадарё вилояти.**

— Меҳнат кодексининг 240-моддасига биноан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқли эканлиги белгилаб қўйилган. Бироқ меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда кўрсатилган қўшимча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Турмуш ўртоғим билан меҳнат шартномасини асоссиз равишда бекор қилишди. Яъни, меҳнат кодексининг тегишли талаблари инобатга олинмаган. Мабодо судга мурожаат қиладиган бўлсак, давлат божи тўлашимиз керакми?**

**З.Болтабоева, Сурхондарё вилояти.**

— Сизнинг бож тўлашингизга асло ҳожат йўқ. Меҳнат кодексининг 277-моддасига мувофиқ, ходимлар меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича судга мурожаат қилган тақдирда суд харажатларини тўлашдан озод этиладилар.

**Корхонамиз ходимларидан бири олий таълим муассасасига кириш учун таътил беришимизни сўраяпти. Ваҳоланки, у қонуний меҳнат таътилида бўлган эди. Бундай пайтда қандай йўл тутилиши керак?**

**У.Атабаев, Тошкент шаҳри.**

— Меҳнат кодексининг 254-моддасига мувофиқ, олий ўқув юртларига кириш ҳамда имтиҳонларини топшириш учун ходимларга камида ўн беш календарь кун муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Ўқув юртлари жойлашган ерга бориш ва қайтиб келиш вақти бу ҳисобга кирмайди. Шундай экан, сиз унга ойлик иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил беришингиз лозим.

*Саволларга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи* ***Эркин АВЕЗОВ*** *жавоб берди.*

## Кун янгиликлари

### МЕҲРДАН МЕҲР ТУҒИЛАДИ

**Фарғона шаҳридаги «Мурувват уйи» қайта таъмирланиб, қўшимча ўқув ва ётоқхона биноси, қишки сув бассейни, кинозал, ўйингоҳ, соғломлаштириш хоналари, футбол майдони қурилгач, бутунлай бошқача манзара кашф этди. Иситиш тизими, дам олиш жойлари янгиланди. Замонавий мебеллар келтирилди. Хуллас, бу ерда тарбияланаётган 200 нафардан зиёд имконияти чекланган болаларнинг эмин-эркин камол топишлари учун қулайлик яратилди. 100 нафардан ортиқ малакали ўқитувчи, тарбиячи ва энага улар тарбияси билан машғул.**

**— Масканимизда олиб борилаётган жисмоний машқлар, руҳий қўллаб-қувватлаш муолажалари туфайли тарбияланувчиларимизда ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда, — дейди бош тарбиячи Нигорахон Маматусмонова. — 4 нафар малакали шифокор, 18 нафар ҳамшира туну кун хизматда. Болалар ўтган йили икки марта чуқурлаштирилган диспансер кўригидан ўтказилди. Тиббиёт жиҳозлари, дори-дармонлардан асло камчилик йўқ. Янги йил арафасида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Мурувват уйи»да «Ҳеч ким меҳр, эътибордан четда эмас» шиори остида хайрия тадбири ўтказилиб, тарбияланувчиларга байрам совғалари топширилди.**

Фарғона вилояти.

### «ШЕРДОР» ЭЛ ХИЗМАТИДА

**Жомашуй — Мингбулоқ тумани маркази. Шаҳарчада мустақиллик берган имкониятлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари сони кун сайин ортиб бораяпти. Соғлом она ва бола йилида аҳолига яна бир мажмуа озиқ ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо хизмати кўрсата бошлади. Тадбиркорлар Баҳодир Алишеров ва Нўъмонжон Холдоровнинг шахсий маблағлари ҳамда молия муассасаларидан олинган кредит ҳисобига бўш турган уч қаватли бино қисқа фурсатда қайта реконструкция қилинди, 620 млн. сўм маблағ эвазига «Шердор» мажмуасида 25 та савдо шохобчаси намунали хизмат кўрсата бошлади. Эътиборлиси, 40 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.**

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ.**
Наманган вилояти.

### БИЛИМ КЎПГА, ҲУНАР КЎККА ЕТКАЗАР

**O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими, Учқудуқ туман кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Қизил Ярим ой» жамияти билан ҳамкорликда тумандаги Кончилик касб-ҳунар коллежида амалий санъат кўргазмаси ташкил этилди.**

**«Билим кўпга етказар, ҳунар эса кўкка» шиори остида ўтказилган тадбирда ҳудуддаги 2 та касб-ҳунар коллежи ўқувчилари рассомлик, ҳунармандлик, каштачилик, тикувчилик, дизайнерлик ва қуроқчилик йўналишларига оид ишлари билан иштирок этишди.**

**— Ўз ижод маҳсулларини тақдим этган элликка яқин ёшлардан 13 нафарининг ишлари танлаб олинди, — дейди O`zLiDeP Учқудуқ туман кенгаши аппарат раҳбари Таня Раҳимова. — Бугун берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланаётган ёшларимиз илм-фан сирларини пухта эгаллаш баробарида ҳунар ҳам ўрганиб, катта ҳаётга қадам қўйишяпти.**

**Танлов натижаларига кўра, ғолибликни қўлга киритган Фарангиз Қувондиқова, Умида Иброҳимова ҳамда Анастасия Тапаровскаяга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг бош мақсади навқирон авлоднинг комил инсон бўлиб вояга етишига қаратилганлиги бежиз эмас.**

**Шундай экан, бу каби байрамлар нафақат иштирокчилар, балки томошабинлар қалбида санъатга меҳр, ҳунар эгаллашга иштиёқ туйғуларини уйғотиши билан ҳам қадрлидир.**

**Ўз мухбиримиз.**
Навоий вилояти.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



«АГРОБАНК» КРЕДИТЛАРИ:

# Мижозлар ишончи оқланяпти

**Бугунги кунда иқтисодиётимиз таянчига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш банк-молия тизими билан чамбарчас боғлиқдир. «Агробанк» АТБ Сурхондарё вилоят бошқармаси жамоаси шундан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини ошириш, мижозлар ишончини қозонишга ҳаракат қилмоқда.**

■ **Фахриддин НУРАЛИЕВ,** «XXI asr»

Эришилаётган салмоқли натижалар аниқ рақамлар мисолида яққол кўзга ташланиб турибди. Ўтган 2015 йил давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш учун 67 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Бунинг эвазига ҳудудларда 909 та янги иш ўрни яратилгани янада қувонарлидир. Кредит маблағларининг асосий қисми саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо-воситачилик, қурилиш, маиший хизмат ва бошқа тармоқлар ҳиссасига тўғри келади. Бу эса жойларда замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, аҳоли турмуш маданияти ва фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

«Агробанк» АТБ вилоят бошқармаси томонидан чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчиликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун деҳқон ва фермер хўжаликларига доимий равишда кредит маблағлари ажратилмоқда. Ана шунинг ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар туфайли агросаноат тармоғи ривожланиб, ҳудудларда қўшимча иш ўринлари яратилмоқда. Мақсад аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишдир.

— Тадбиркор ва фермерлар учун ишлайдиган замон келди. Улар яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, ўз лаёқати, иқтидорларини тўла намоён этмоқдалар, **— дейди Музработ туманидаги «Хумойиддин Бекзод» фермер хўжалиги раҳбари Бекзод Қувватов.** — Бу эса даромад ошиши, фаолият кўлами кенгайишига замин бўлаяпти. Ўзимиздан қиёс. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари етиштириш мақсадида «Агробанк»нинг Музработ филиалидан 70 млн. сўм кредит олиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Натижада 6 та янги иш ўрни яратилди. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Умуман, иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида «Агробанк» АТБ вилоят бошқармаси томонидан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, битирувчи ёшларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилаётганлиги, уларнинг бизнес лойиҳалари ўз вақтида қўллаб-қувватланаётганлиги эътиборга лойиқдир.

— Мамлакатимизда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш диққат марказида турган масалалардан биридир, **— дейди Узун туманидаги «Бедил Самира» хусусий корхонаси раҳбари Сухроб Мадаминов.** — Бу, шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда. Айниқса, банклар томонидан ажратилаётган молиявий сармоялар кўпайиб бораётганлиги қувонарлидир. Маҳалла гузари қуриш ва сервис соҳасини кенгайтириш бўйича бизнес лойиҳа тайёрлаб, уни «Агробанк»нинг Узун туман бўлимига тақдим этгандик. Банк томонидан ажратилган 120 млн. сўм кредит туфайли эзгу режамизни амалга ошириш имконига эга бўлдик. Энг муҳими, 8 та янги иш ўрни яратилди.

Хуллас, «Агробанк» АТБ Сурхондарё вилоят бошқармаси ва унинг филиаллари аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда. Бу борадаги изланишлар Соғлом она ва бола йилида янада кенгаяди, деб ишонамиз.

*Хизматлар лицензияланган.*

# Қулай шароит яратилади

**Кейинги йилларда солиқ қонунчилиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга кенг йўл очмоқда.**

■ **Эльмира РАҲМОНОВА,** «XXI asr»

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловларнинг ставкалари пасайтирилди, шунингдек, қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёзлар муддати узайтирилди. Андижон вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан ташкил этилган кўргазмали семинарда айнан шу хусусда йиғилганларга атрофлича маълумот берилди.

Маълумки, тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, янги тартиб бўйича агар шахс солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш билан боғлиқ ҳолатни биринчи марта содир этган бўлса ва ҳуқуқбузарлик аниқланганидан сўнг 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қопласа, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликка тортилмайди.

Агар тадбиркорлик субъекти солиқ ва божхона қонунчилигини бузган бўлса, унинг мулки фақат суд қарорига асосан мусодара қилиниши мумкинлигини белгилайдиган қонун нормаси жорий этилди, даъво аризасини кўриб чиқиш муддатлари ҳам сезиларли равишда қисқартирилди.

Тадбирда таъкидланганидек, жорий йилда солиқ-бюджет сиёсати хўжалик субъектлари ва аҳоли даромадларига нисбатан солиқ юкини пасайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиққа тортиш объектларини камайтириш ва яшириш ҳолатларининг олдини олиш орқали иқтисодиётимизни янада модернизациялаш ва янгилаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган анжуманда Давлат солиқ қўмитаси мутахассислари солиқ тўловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

«XXI ASR» 2016-yil 28-yanvar, payshanba, 4 (636)-son, www.21asr.uz

ТАДБИР

# Экспорт ҳажми кенгаяди

**Саноатни модернизациялаш ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бугунги кунда ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ана шу эзгу мақсадларга йўналтирилганлиги билан қимматлидир.**

**Таъкидлаш жоизки, қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари, кийим-кечак, электротехника воситалари ва бошқа кенг турдаги товарлар ишлаб чиқариш, замонавий хизматлар кўрсатишда кичик бизнес корхоналарининг улуши тобора ошиб бормоқда. Уларнинг товар ва хизматларини ташқи бозорга чиқариш борасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси катта ҳисса қўшаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.**

**Юқоридагилардан келиб чиқилиб, тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини юксалтириш, уларга чет эл бозорларида ҳамкорлар топишда кўмаклашиш ҳамда экспорт жараёнида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш мақсадида соҳага доир давра суҳбатлари ўтказиш йўлга қўйилди. Турли соҳаларни қамраб оладиган тадбирларнинг дастлабкиси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортига бағишланди. Унда корхоналарни экспорт жараёнига кенг жалб қилиш, хориж бозорларини чуқур ва атрофлича ўрганишнинг аҳамияти таъкидланиб, ишлаб чиқарувчилар фаолиятида юзага келадиган муаммолар юзасидан атрофлича фикр юритилди.**

**— Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад экспортчи корхоналар сонини ошириш ҳамда экспорт жуғрофиясини кенгайтиришдан иборат, — дейди жамғарма директори ўринбосари Камолиддин Нурматов. — Бугунги давра суҳбатига ташқи бозор эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган тадбиркорлар билан бир қаторда ташқи савдо ва логистика компаниялари вакилларини таклиф этганлигимиз ҳам бежиз эмас.**

**Тадбир давомида корхоналарнинг экспорт имкониятларини кенгайтиришга оид муҳим таклифлар ўртага ташланди.**

Ўз мухбиримиз.

ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР...

**БУНДАН ИККИ ЯРИМ МИНГ ЙИЛ МУҚАДДАМ ҚАДИМИЙ ЮРТИМИЗ ҲУДУДИ, МУҚАДДАС «АВЕСТО» ЗИКР ЭТИЛГАН ХОСИЯТЛИ ЗАМИНДА, ОКС, ЎКУЗ, ЯЪНИ ЖАЙҲУН, АМУДАРЁ СОҲИЛИДА БУНЁД ЭТИЛГАНИ АЖДОДЛАРИМИЗ НАҚАДАР ЗАКОВАТЛИ ЗОТЛАР БЎЛГАНИНИНГ ЯНА БИР ЁРҚИН ИСБОТИ ҲИСОБЛАНАДИ**







Қорақалпоғистоннинг тарихий обидалари

# Осмон илмин ИЛК ҚАЛЪАСИ

■ Ўз мухбиримиз

Озод ва обод юртимиз тарихида унинг шонли ўтмиши, сеҳрли табиати, бетакрор ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид кўплаб ноёб ҳодисалар, фавқулодда аҳамиятга молик маълумотлар учрайди. Улар чин маънода муҳтарам муштарийнинг ён дафтаридан жой олишга лойиқдир. Бу туркумдаги дастлабки маълумотимиз минтақамиздаги биринчи расадхона — Қўйқирилганқалъа археологик ёдгорлигига бағишланади.

Энг ибтидоий услубда, йирик ёғоч қозиқлар воситасида бундан 6900 йил аввал, яъни дастлабки неолит даврида, Оврўпонинг Ангальт-Саксония ерида қурилган биринчи расадхона излари бугунги авиациянинг фазодан оддий буғдойзорга йўналтирилган синчков нигоҳи орқали 1991 йили топилган эди. Марказий Осиё минтақасидаги биринчи расадхона эса эрамиздан аввалги тўртинчи асрда, қадимги Хоразм, айрим манбаларда «Катта Хоразм», «Муқаддас Қангха» ёинки «Қангюй» деб номланган қудратли подшолик даврида қурилган. Маҳаллий аҳоли томонидан «Қўйқирилганқалъа» деб номланган, милоддан аввалги 4- ва милодимизнинг 4-асрларига мансуб бўлган, ҳозирги Тўрткўл шаҳридан 22 километр шимоли-шарқда жойлашган ушбу оташпарастлар ибодатхонаси харобасини профессор Сергей Толстов раҳбарлик қилган Хоразм археология-этнография экспедицияси 1938 йили рўйхатга олган. 1951-1957 йилларда амалга оширилган археологик қазишмалар натижасида қадимги хоразмликларнинг мақбара-қасри ва милоддан аввалги 4-3 асрларга оид доира шаклидаги, диаметри деярли 45, баландлиги қарийб 10 метр бўлган икки қаватли марказий ибодатхона, айни чоғда ўз даврининг расадхонаси вазифасини ўтаган бино ўрганилган. Ибодатхона атрофи 2 қатор пахса ва хом ғиштдан тикланган мудофаа девори билан ўралган. Қалъанинг шарқий қисмида дарвоза бўлиб, дарвоза олди лабиринт шаклида қурилган. Қалъа марказидаги 2 қаватли бинога махсус зинапоялар орқали чиқилган. Иморатда алоҳида-алоҳида 8 та гумбазли хоналар бўлиб, улар ичидан осмон жисмларини кузатишга мўлжалланган буюмлар топилди. Археологик ёдгорликнинг яна бир муҳим жиҳати, ундан топилган сопол буюмлардан қадимги хоразм ёзуви намуналари ҳам аниқланди. Илмий сафар жамоаси 1967 йили мазкур археологик ёдгорлик тўғрисида С. Толстов ва Б. Вайнберг масъул муҳаррирлигида 348 бетлик катта монографияни нашрдан чиқарган. Мунажжим аждодларимиз ушбу расадхонадан коинотни кузатиш, вақтни аниқлаш, фаслнинг кириб келиш пайтини қайд этиш, экватор ва эклиптика текисликлари орасидаги бурчакни ўлчаш, йил давомийлиги, қуёш фаоллиги, қуёш ва ой тутилишини ўрганиш, оқар сув режимини мувофиқлаштириш, метеорологик тадқиқотлар учун фойдаланганлар.

Қадимги Хоразм расадхонаси буюк олим, темурий ҳукмдор Мирзо Улуғбек томонидан Самарқандда бунёд этилган расадхона ва истиқлол боис жаҳоннинг энг муҳим коинотни кузатиш марказларидан бирига айланган Майданак баландтоғ расадхонаси учун йўл очиб берган биринчи астрономик иншоот сифатида эътирофга лойиқдир. Доно халқимизнинг юксак тафаккуридан дарак берувчи бу расадхонада Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Синодек улуғ аллома боболаримизнинг дастлабки устозлари илмий тадқиқотлар олиб боришган.

# ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## Андиша

*Ота-боболаримиз шундай деб танбеҳ берадилар: «Ўчоқбошини ҳеч қачон қўшнининг деворига ёпиштириб солма. Таом пишираётганда ўчоғингдан чиққан тутун қўшнининг кўзини ачитса, еган овқатинг ҳаром бўлади!»*

*...Ўзбекнинг андишасини исботлаш учун яна қандай мисол керак?*

* * *

## Маслаҳат ва насиҳат

*Кўмак тилаб ёки маслаҳат сўраб борганингда ёрдам бериш ёки йўл-йўриқ кўрсатиш ўрнига «отангдан аъло» насиҳат қиладиган дўст — дўст эмас, шунчаки таниш, холос.*

* * *

## Дил ва тил

*Дили билан тили муттасил бир кўчадан юрадиган одамга осон тутманг...*

* * *

## Таскин

*Ҳамкасблари юз ўгирган одам таскин топиши мумкин.*
*Дўстлари юз ўгирган одам таскин топиши мумкин.*
*Умр йўлдоши юз ўгирган одам таскин топиши мумкин.*
*Фарзандлари юз ўгирган одам... Билмадим-ов...*

* * *

## Хом сут эмган

*Одам учта нарсанинг қадрини доим кечикиб билади. Ёшлик. Соғлик. Тинчлик.*

БИЛАСИЗМИ?

# «Сайёралар паради»га марҳамат!



**31 январь куни Ернинг шимолий ярим шари аҳолиси, шунингдек, Ўзбекистон аҳолиси ҳам ноодатий ҳодиса — «Сайёралар паради»га гувоҳ бўлишади. Интернет нашрларининг хабарига кўра, Меркурий, Венера, Сатурн, Марс, Юпитер ва Ернинг йўлдоши — Ой Қисқичбақа ва Сунбула юлдузлар туркумида бир қатор бўлиб тизилади.**

**Ушбу ҳодиса Қуёш чиқар маҳал — Тошкент вақти билан тахминан соат 7:35 да янада аниқ кўринади. Айни вақтда Ой ботаётган бўлади, шунинг учун унинг ёрқин нурлари «Сайёралар паради»ни оддий кўз билан кузатишга халақит бермайди.**

**Қуёш тизимидаги саккиз сайёра иштирокидаги бундай ҳодиса охирги марта 2005 йилда кузатилган бўлиб, унинг навбатдагисини 2161 йилнинг 19 майида кузатиш мумкинлиги башорат қилинган.**

ОБ-ҲАВО



**Машҳур кинорежиссёр Джон Форд вестрн жанрдаги фильмларини суратга олиш жараёнида маҳаллий ҳиндулардан нафақат актёр, балки об-ҳаво башоратчилари сифатида фойдаланган экан. Масалан, «Апачи форти» фильмида бир навахо ҳиндусини тасвирга олиш жараёнида ёғингарчилик бўлиш-бўлмаслигини айтиб туриши учун ёллаган. Бир куни «башоратчи» энди об-ҳаво ҳақида маълумот беролмаслигини айтади. Нега, деган саволга у: «актёрлардан бири радиоприёмнигимни олиб қўйди-да», дея жавоб берган...**

**Биз эса бугун муҳтарам газетхонга Ўзгидрометеорология хизматидан олинган маълумотлар асосида юртимизда қандай об-ҳаво бўлиши ҳақида маълумот бермоқчимиз.**

***Мутахассисларнинг таъкидлашича, мамлакатимизда ўзгарувчан об-ҳаво кузатилади. Ҳафта ўртасида вақти-вақти билан ёққан ёмғир қорга айланиш эҳтимоли бор. Баъзи жойларда туман тушади. Ҳафта бошида нисбатан илиқ об-ҳаво кузатилса-да, дам олиш кунлари ҳароратнинг кескин пасайиши кутилмоқда. Айрим ҳудудларда ҳарорат кечаси 0...+5 илиқдан - 2...-7 совуқгача пасайиши мумкин. Жануб вилоятларида ҳарорат кечаси +2...+7 илиқдан -3...+2 гача, кундузи +18 илиқдан +4...+9 даражагача пасаяди. Водий вилоятларида кечаси 0...+5, кундузи +5...+10 даража илиқ бўлади. Пойтахт вилояти ва Тошкент шаҳрида ҳарорат кечаси 0...+5, кундузи +18 даража илиқ, ҳафта охирига бориб эса кечаси 0...-3 даража совуқ, кундузи +3...+8 илиққача тушиб кетиши кутилмоқда.***

СПОРТ



# Раънохон Аманова Олимпиадага боради

**Бельгиянинг Антверпен шаҳрида сузиш бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Раънохон Аманова 400 метр масофага комплекс усулда сузиш мусобақасида марра чизиғига 4.40.71 сонияда етиб келиб, XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун белгиланган меъёрни бажарди.**

**Шу тариқа Раънохон «Рио-2016» Олимпия ўйинларида икки йўналиш бўйича ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

**Тажрибали спортчимиз 2015 йилнинг 2-3 ноябрь кунлари Доҳа шаҳри (Қатар)да ўтказилган Жаҳон Гран-при турнирида 200 метр масофага комплекс усулда сузиш мусобақаларида муваффақиятли иштирок этган ва Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун белгиланган меъёрни бажарган эди.**

# Мерганларимиз Осиё чемпионатида

**Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида старт олган ўқ отиш бўйича навбатдаги Осиё чемпионатида қитъанинг энг кучли спортчилари сараланиши билан бирга шу йили Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмалари соҳибалари ҳам аниқланади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир баҳснинг янада муросасиз кечишидан далолат беради.**

**Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини жами 11 нафар спортчимиз ҳимоя қилади. Жумладан, спорт милтиғидан ўқ отиш бўйича ўтказиладиган мусобақаларда Вадим Скороваров, Сакина Мамедова, Роман Голошапов, Маргарита Орлова, Мария Филимонова ва Саидхон Сайфутдинов иштирок этса, тўппончадан ўқ отиш баҳсларида Владимир Свечников, Ленара Асанова, Муслима Йўлдошева, Артем Чернишев ҳамда Энвер Османов юртимиз шарафини ҳимоя қиладилар.**

# Жўрабек чорак финалда

**Истеъдодли теннисчимиз Жўрабек Каримов Австралиянинг Мельбурн шаҳрида теннис бўйича ўтказилаётган «Катта дубулға» туркумига кирувчи Австралия очиқ чемпионатининг ўсмирлар ўртасидаги баҳсларида зафарли одимини давом эттирмоқда.**

**Дастлабки даврада АҚШ вакили Эзекел Кларкни 6-1, 6-3, иккинчи даврада эса гонконглик Энтони Тангни 6-4, 6-4 ҳисобида мағлуб этган ҳамюртимиз, учинчи даврада кореялик теннисчи устидан 6-4, 6-2 ҳисобида ғалаба қозонди ва чорак финалга чиқди.**



O`zLiDeP Навоий вилоят ҳудудий партия ташкилоти халқ депутатлари
Зарафшон шаҳар кенгаши депутати
**Насрулло ҚЎЗИБАЕВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР:** Норқобил ЖАЛИЛОВ.
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Буюртма рақами: S 5010 Тираж: 15120
Баҳоси келишилган нарҳда.
Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.
**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

**Навбатчилар:**
**Н.ТОШЕВ, Ф.НУРАЛИЕВ.**